Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар куни, ҳар дақиқада унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, бу омонатни бой бериб қўйишимиз ҳеч гап эмас.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
19-may
chorshanba
№ 21 (1237)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ОЧИҚЧАСИГА ГАПЛАШАМИЗ

ЁҚИМЛИ ИШТАҲА...МИ?!

Фарғонадаги мактабгача таълим муассасаларига Украинадан келтирилган музлатилган арзон “гўшт”лар тарқатилмоқда

Очиғини айтганда собиқ Иттифоқ тузумидан кейин “унутилган” соҳалардан бири бу—боғчалар бўлди. Республика бўйича қанча-қанча мактабгача таълим муассасалари ёпилиб кетди. Айниқса, туман ва қишлоқлардаги ширкат хўжаликлари, йирик заводлар қошидаги боғчалар деярли йўқ қилиб юборилган эди. Болалар—ҳаётимизнинг эртаси бўлган болажонларга “ғамхўрлик” мана қандай бўлди?

Лекин Президентимизнинг ташаббуси, ғамхўрлиги туфайли кейинги тўрт йил давомида соҳага қайта эътибор қаратилди. Шу боис, бугун нафақат ҳар бир туман, балки ҳар бир маҳалла, қишлоқларимизда мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилди, балки мамлакатда Мактабгача таълим вазирлиги деган шу вақтгача умуман бўлмаган бир вазирлик пайдо бўлди.

Охирги 4 йил ичида юртимизда давлат ва нодавлат ҳамда оилавий асосдаги жами бўлиб ўн саккиз мингдан зиёд мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.

Бу билан Президентимизнинг топшириқларига мувофиқ ҳудудларда болаларни мактабгача таълимга қамраб олиш бўйича белгиланган мақсадли кўрсатгичларга эришилди.

Тан олиш керак соҳада жуда кўп хайрли ишлар рўёбга чиқмоқда. Бугунги МТМларни кўриб фақат ҳавас қилиш мумкин. Аммо... давлатимизнинг шундай эътибори ва жуда катта маблағлар йўналтирилаётганига қарамай, айрим камчилик ва муаммолар ҳам учраётгани, бу ҳам—ҳақиқат.

Қуйида Фарғонадаги мактабгача таълим муассасалари фаолияти мисолида мавзуга эътибор қаратилади.

— Бундай ноҳақликларга қачонгача чидаш мумкин? – дейди Фарғона шаҳридаги 35-сонли мактабгача таълим ташкилоти мудираси Собира опа Раҳимова куюниб. – “Водил Миндонобод” МЧЖ келтираётган ўсимлик ёғи, шакар, гуруч каби 13 турдаги маҳсулотнинг ҳар бирида тарозидан уриш, вақтида етказиб бермаслик ҳолатлари кўп кузатиларди. Ноиложликдан баъзан хўжалик мудири ўз ҳисобидан маҳсулотларни бозордан олиб келган ҳоллар ҳам бўлган. Сарвар исмли ходим эса бир гал дўқ-пўписа билан “Истасангиз ҳам, истамасангиз ҳам шу!” дея жеркиб берди. Гўшт маҳсулотлари билан ҳам худди шундай вазият. “Чорвадор” МЧЖ томонидан етказиб бериладиган гўштнинг 10 фоизи, яъни 40 кг. гўштнинг 4 килосини мол ёғи ташкил этган. Бу мутлақо қонунга зид.

Тўғри, бу вазиятда фақатгина таъминотчи айбдор, деб айтолмаймиз. Чунки улар билан “келишиб ишлайдиган”, камига боланинг ризқини қўркмай ейдиган МТТ мудирлари, хўжалик мудирларининг ҳам ҳиссаси бор: “қарс” икки қўлдан чиқади. Жумладан, бу муассасага ишга келганимда хўжалик мудири бўлиб фаолият юритган Маҳлиё Каримбуваева ҳам шундай болаларнинг ҳақидан қўрқмайдиганлар сирасидан экан. У билан хайрлашдик.

Мисол учун, 8 кг. пахта ёғи келтириб, 10 кг. ўсимлик ёғи учун имзо чектириб олишлари қайси мантиқ, қайси қонунга тўғри келади? Бундай “ўйин”ларнинг ортида ким, қандай куч турганини билмайман. Билганим шуки, то шу муассасада мудир бўлиб фаолият юритар эканман, болаларга сифатсиз маҳсулот, жумладан, гўшт едирмайман, боланинг ҳақига хиёнат қилишларига қараб турмайман! Бунга виждоним йўл қўймайди...

2-б.

СИЁСАТ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:

Тўғри маълумотни сохта ахборотдан қандай ажратиш мумкин?

Сайловлар даврида оммавий ахборот воситаларининг фаоллиги, ҳаққонийлиги ва холислиги сайловларни умумэътироф этилган халқаро стандартлар, принциплар асосида очиқ-ошкора ўтказилишида муҳим аҳамият касб этади. Айнан уларнинг саъй-ҳаракати ўлароқ сиёсий партиялар ва номзодлар сайловчилар билан тезкор алоқа ўрнатиш, ўз сиёсий дастурини аҳолига етказиш ва сайловолди ташвиқотини муваффақиятли олиб бориш имкониятига эга бўладилар.

Маълумки, жорий йилда мамлакатимиз ҳаётида катта сиёсий воқеа – Президент сайлови бўлиб ўтади. Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи ҳамда сайловга оид тегишли қонунлар билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 67-моддасига мувофиқ оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади ва цензурага йўл қуйилмайди.

Оммавий ахборот воситалари сайловларда эркин, ҳеч бир тўсиқсиз иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 8-моддасига кўра, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик жараёнини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради. Бу жараёнда, сайлов комиссияларининг мажлисларида уларнинг вакиллари иштирок этиши мумкин. Шу билан бирга, Сайлов кодексининг 35-моддасига мувофиқ оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларни ёритиш, сайлов куни овоз бериш биноларида, шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Бунинг учун улар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 5 октябрдаги 952-сон қарори билан тасдиқланган “Сайлов кампанияси даврида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом”га мувофиқ сайлов кампанияси бошланганидан кейин аккредитациядан ўтишлари лозим.

НИМА УЧУН ОАВ ВАКИЛЛАРИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИЛАДИ?

Президент сайлови кампанияси эълон қилинганидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари билан маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари аккредитациядан ўтказилади.

2-б.

МАШҲУРЛАР ҲАЁТИ

ҲАҚИҚАТ МУАЛЛИФИ

ёхуд инсоният тафаккурига мангу чорлов

Дунё матбуотида, адабиёти ва публицистикасида бир-бирини тўлдирадиган номлар талайгина. Газетамизнинг ўтган сонларида жаҳонга машҳур америкалик адиб ва публицист Эрнест Хемингуэйнинг журналистик фаолияти ҳақида мақола эълон қилган эдик. Бугун ушбунинг тадрижий давоми сифатида бутун дунё китобхони асарларини севиб ўқийдиган ёзувчи, моҳир журналист, уруш кўрган адиб Жорж Оруэлл ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз. Зеро, унинг ёзганларидан тинчлик ва озодликнинг, тенглик ва ҳақиқат учун курашнинг нафаси уфуриб туради.

Жорж Оруэлл номи ўз вақтида собиқ совет иттифоқининг темир панжараларини бузиб кира олмаган. Китоблари ўгай мафкуранинг ашаддий душмани сифатида жавонларга қўйилмади. Бутун дунё Ж.Оруэллнинг “Молхона” ва “1984” романларидан ҳайратланаётган бир пайтда ҳатто бу ёзувчининг номи ҳам собиқ шўро китобхонига мутлақо бегона эди. Бироқ ҳақиқий китобхон кечикиб бўлса-да ўз ёзувчисини таниди.

4-б.

ТААССУФ

ХОЛИСЛИК МЕЗОН БЎЛСА ЭДИ

тинглашни ўрганиш маданияти ҳақида

Аслида бу ҳақда ёзмоқчи эмасдим. Аммо... “тўғри гап туққанингга ёқмайди” деб бежиз айтишмаган экан. Барибир гапиришга қарор қилдим. Агар ўз ҳаққини талаб қилиш, адолат излаш айб бўлса, айбдор бўла қолайлик.

Тўрт йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 ноябрдаги қарорига мувофиқ таъсис этилган “Мард ўғлон” давлат мукофотига “Маданият-журналистика” йўналишида ҳужжат топшириб келаман. Шу пайтгача Наманган вилоят босқичидан ўтиб, Республикага тавсия этилар эдим. Аммо насиба қўшилмаганми, мукофотга сазовор бўлганимча йўқ.

Аксига олиб, бу йил Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бўлимидан ҳам ўтмабман. Қизиғи шундаки, айнан журналистика бўйича топширилган ҳужжатларни соҳага алоқадор одамлар четда қолиб, вилоят маданият бошқармасининг вакиллари баҳолашибди.

Наҳотки, шунча ютуқлар (қуйида уларни номма-ном келтирилган) билан вилоятдан чиқишга муносиб бўлмадик? Ёшлар ишлари агентлигининг кадрлар бўлими ходими Мурод (шарифини айтмади) акага боғландим. Жуда баландпарвоз экан, муомала маданиятидан асар ҳам йўқ, зарда билан: *“Биз бу ерда и...рилиб (қўпол сўз) ишладик, тинмадик, кечалари ҳам ҳужжат тайёрладик”*, деса бўладими.

3-б.

ХАВОТИР

Китобдан ўзга НАЖОТ ЙЎҚ!

Биттаси Навоий ҳайкалига қараб сўкиниб бақирса, яна биттаси ул Ҳазратнинг ҳайкалига туфласа, яна бири Мотамсаро она ҳайкалининг устига чиқиб томоша кўрсатса, икки шайтонсифат нусхалар эса пойтахтимиздаги Амир Темур ҳайкали пойида бир-бирининг устига мингашиб қийшангласа...

Бу майнавозчиликларнинг охири борми ўзи? Бунинг асосий сабаби оқсаб, қатор муаммолар ичра қадам ташлаётган — таълим тизими ва бугунги ёшларнинг китоб, матбуот, яъни газета-журнал ўқишдан узоқлашганида, бўлса, не ажаб! Мутолаа ва маънавиятга аллергияси бор авлод яна не қилғиликларни намоён этади — Худо билади.

Эътибор берсангиз, ёшларнинг анчагина қисми омма эътиборига муҳтож. Нима иш қилмасин, оқибати қандай якун топмасин, бунинг фарқи йўқ. Ҳатто жарима тўлаш у ёқда турсин, қамалиб кетса ҳам майли. Муҳими, у ҳақида ҳамма гапирса, яхши ёки ёмон хотира билан бўлса ҳам одамлар онгида муҳрланса, гўё уни халқ таниса, бўлди... Қолаверса, ана шу йўл билан уч-тўрт танга топса, куни ўтса, олам гулистон! Яна ким билади, хаёлида не ўй, калласида қандай режа? Бизнингча ундайларнинг ўзи ҳам билмайди. Бўм-бўш идишга, хумга ўхшайди уларнинг боши. Худди ғовлаган, гаранг, қандайдир оғунинг таъсирида юрган пажмурда касларга каби.

4-б.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:

Тўғри маълумотни сохта ахборотдан қандай ажратиш мумкин?

1-б.

Бундан кўзланган асосий мақсад сайлов кампанияси даврида журналистларга ўз фаолиятини амалга оширишлари учун қулай шарт-шароит яратишдан иборат.

Журналистларга берилган мазкур ҳуқуқ сайловларга оид тадбирлар ёки учрашувларда иштирок этишни соддалаштиради. Аккредитация билан боғлиқ барча ҳаракатлар жамоатчиликнинг оммавий ахборот воситалари орқали маълумот олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида очиқлик, тенглик, адолат тамойилларига асосланади.

ОАВ вакилининг ваколат муддати унга аккредитациядан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилган кундан бошланади ва сайлов якунлари расман эълон қилинган куни тугайди.

ОАВ ВАКИЛЛАРИ НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШИ КЕРАК?

Сайловчиларга таъсир ўтказиш, қонунга хилоф равишда бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиётини тарқатиш, сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида ёки хонасида бўлиш, сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш, участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутилари муҳрланаётган, очилаётган, овозлар санаб чиқилаётганда аралашиш, сайлов куни ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш ман этилади.

ОАВ вакили Сайлов кодекси талабларига ва Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорларига риоя этмаган тақдирда, уни аккредитациядан ўтказган сайлов комиссияси унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиши мумкин.

Албатта, Марказий сайлов комиссияси томонидан ОАВ вакилларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан сўнгина, МСК расмий саҳифасида аккредитациядан ўтиш талаблари эълон қилинади. Аккредитация ҳақидаги тўлиқ маълумотни сайлов кампанияси даврида билиб олиш мумкин.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз. Сайлов даврида ижтимоий тармоқларда нотўғри (фейк) хабарлар, ёлғон (дезинформация) ҳамда сиёсий хуружлар оқими ошиши мумкин. Уларнинг олдини олишда нималарга эътибор қаратиш лозим?

“ЁЛҒОННИНГ ҚУЛОҒИ УЗУН”

Бу гап бежиз айтилмаган. Сайловлар олдидан ёлғон баёнотлар ва чалғитувчи хабарлар оқими кўпайишини инобатга олган ҳолда, сохта ахборотлар ҳақида айрим мисоллар келтириш ўринли.

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида фаолият юритувчи “BuzzFeed” портали томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, 20 та “fake” хабар тўғри ва далиллар асосида ёзилган шунча янгиликдан кўра кўпроқ ўқилар экан. Шунингдек, интернет фойдаланувчиларининг 75 фоизи ёлғон маълумотни ҳақиқатдан ажрата олмайди.Шунга ўхшаш яна бир тадқиқот Массачусетс технология институти тадқиқотчилари томонидан ўтказилган. Унга кўра,битта фейкнинг ижтимоий тармоқларда “ретвит” (улашиш) эҳтимоли ҳақиқий ахборотдан 70 фоиз кўпроқ.

Мисол учун, 2020 йил АҚШда бўлиб ўтган сайловда “fake” хабарларга қарши курашга ҳукумат томонидан алоҳида эътибор қаратилди. Натижада сайлов кампанияси даврида номзодларнинг сайловолди ғалаба ва натижалари, қалбакилаштирилган бюллетенлар ҳақидаги ёлғон хабарлар блокланди. “Google” қидирув тизими сайловчиларни чалғитмаслик учун ғалаба билан боғлиқ дастлабки ва тўғри ҳисоботларни намойиш этиб борди.

САЙЛОВГА ОИД ТЎҒРИ ВА ИШОНЧЛИ АХБОРОТНИ ҚАЕРДАН ОЛСА БЎЛАДИ?

Сайловлар даврида тўғри, тўлиқ ва расмий ахборотга оид маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб сайти (elections.uz) ёки ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали олиш энг тўғри йўлдир.

Бундан ташқари, Президент сайлови кампанияси даврида Марказий сайлов комиссияси томонидан “Saylov2021.uz” ахборот портали фаолияти ҳам йўлга қўйилиши режалаштирилган. Ахборот портали сайловчилар, маҳаллий ва хорижий кузатувчилар ҳамда сайлов жараёнларининг бошқа иштирокчиларига ишончли бир манба ва бир манзилдан сайлов ҳақида маълумотлар олиш имкониятини беради.

Шу билан бирга, сайлов жараёнлари ҳақидаги маълумотларнинг манбаси ягона бўлиши оммавий ахборот воситалари ишининг сифати ва самарасига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Оммавий ахборот воситалари фаолияти давомида нохолис ёки ҳақиқатдан йироқ ахборотларни, яъни “дезинформация” амалиётини сезиларли даражада камайтиради.

Албатта, муайян мавзуни ёритишда журналистлар хилма-хил фикр ҳамда қарашларга эга. Улар сайлов жараёнларини турлича ёритиши мумкин. Бу табиий. Шундай экан, журналистлар ва блогерлар Президент сайлови жараёнини ёритишда сайловчиларга ҳаққоний ахборот етказишлари зарур ва бунинг учун, аввало, уларнинг ўзлари сохта хабарлар ва маълумотларга чув тушмаслиги керак. Чунки, сайлов даврида нафақат Ўзбекистон фуқаролари, балки халқаро ҳамжамият ҳам оммавий ахборот воситалари орқали номзодлар, сиёсий партиялар ва уларнинг дастурлари тўғрисида ҳар томонлама, тўлиқ ва ишончли маълумотларни олишга ҳаракат қилади.

Дилдори ТОЖИБОЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси матбуот хизматининг бош маслаҳатчиси.

ТАДБИР

Маълумки, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ҳар йили анъанавий тарзда ахборот-кутубхона фаолияти бўйича Халқаро анжуманлар ўтказиб келади.

Жорий йилнинг 19-21 май кунлари ҳам Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва бошқа қатор вазирлик ҳамда идоралар ҳамкорлигида “Central Asia – 2021: фан, таълим, маданият ва бизнесда интернет ва ахборот кутубхона ресурслари” XIV Халқаро конференцияси бўлиб ўтади. Конференцияда Россия, Арманистон, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва Беларусдан соҳа мутахассислари иштирок этади.

Тошкентда Халқаро конференция иш бошлади

— Бугун кутубхонамизнинг 150 йиллик тўйини нишонлаяпмиз! Айни пайтда Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг умумий фонди 7,5 миллионга яқин ахборот-кутубхона ресурсларидан иборат. Қувонарли жиҳати шундаки, бу йилги конференция доирасида илк бор ахборот-кутубхона соҳасининг ривожига муносиб ҳисса қўшган, миллий маданий меросни асраб-авайлаш, китобхонликни кенг тарғиб қилиш ва ёш мутахассис кадрлар тайёрлаш йўлида самарали меҳнат қилган кутубхоначилар “Ахборот-кутубхона аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланади, – деди Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Умида Тешабоева.

Бу йилги конференция ўтган йилдагиларидан китоб ва китобхонлик ҳамда кутубхоначи кадрлар масалалари, соҳадаги муаммолар, пандемия шароитида бутун дунё кутубхоналари тажрибалари, кутубхоналарда илмий-методик фаолият ҳолати ва илмий фаолият юритишда жаҳон ахборот-ресурсларидан фойдаланишнинг муҳимлигига алоҳида эътибор қаратилиши билан аҳамиятлидир.

Конференция доирасида Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг 150 йиллик юбилейини кенг нишонлаш ва ахборот-кутубхона, нашриёт-матбаа ҳамда китоб савдоси соҳалари мутахассисларининг Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида китоб ва китобхонликни тарғиб қилиш ва оммалаштириш бўйича энг муваффақиятли методик ишланмалар, лойиҳаларни аниқлаш мақсадида “Китоб ва мутолаа жамият ривожланишидаги стратегик ресурси” мавзусида ҳамдўстлик форуми ҳам ўтказилади.

А. АҲМЕДОВ.

ЁҚИМЛИ ИШТАҲА...МИ?!

Фарғонадаги мактабгача таълим муассасаларига Украинадан келтирилган музлатилган арзон “гўшт”лар тарқатилмоқда

1-б.

4-сонли МТМ мудираси Зулхумор Қодирова ҳам ҳамкасбининг фикрини тасдиқлагандай: “Волида” фермер хўжалиги келтирган гўштнинг ранги ўзгарган, суяги, мол ёғи кўплигини кўргач, ҳамкорликни рад этиб, “Business Company Invest” МЧЖ билан шартнома тузганман. Бироқ сут ва сут маҳсулотларини “Волида” фермер хўжалигидан оламиз. Сифатли, – дея суҳбатга қўшилади.

Қоидага кўра, муассасаларга етказилаётган 10 килограмм гўштнинг мол ёғи миқдори 300 граммдан ошмаслиги керак. Икки кунга етадиган 40-50 килограмм гўшт учун бир ярим килодан ортиб кетмаган мол ёғи оламиз. Таълим муассасамизда 6 та гуруҳ бўлиб, 158 нафар бола тарбияланади. 158 нафар ота-она боласини бизга ишониб топшириб кетади. Бола организми сезувчан, нозик. Ахир, сифатсиз гўштдан таом тайёрласак, унинг саломатлигида дарров ўзгариш кузатилади-ку! Таъбир жоиз бўлса, биз болаларнинг таълимидан кўра кўпроқ ўз уйига эсон-омон, соғ-саломат етиб олишларини таъминлашга масъулмиз!

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИГА ИЖТИМОИЙ ТАЪМИНОТ НЕГА КЕРАК?

1999 йилдан буён фаолият юритаётган, умумий майдони 926 гектарни ташкил этувчи (шундан 65 гектар майдон сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун мўлжалланган, қолгани кластер) “Волида” фермер хўжалиги шу пайтгача ишлаб чиқараётган сут ва сут маҳсулотларининг сифатлилиги билан эл ичида обрў топган. Бу ерда ойига 60 тонна сут қайта ишланади. “Crafers”, “Imkon Plus”, “Classic”, “Crember”, “Vazira” каби таниқли фирмалар билан шартнома имзолаган. Фермасида Австриядан келтирилган 655 бош наслли қорамол парвариш қилинмоқда.

Хўш, шундай донгдор фермер хўжалигига давлат муассасаларига гўшт, сут ва сут маҳсулотларини етказиб бериш нега керак бўлиб қолди? Балки “Сут ҳам, гўшт ҳам ўзидан чиққанидан кейин, бунинг нимаси ёмон” дерсиз? Ҳа, муаммо ҳам, эътироз ҳам шундаки, мактабгача таълим муассасаларига етказиб берилаётган гўшт маҳсулотлари фермадаги наслли қорамоллардан олинмайди. Балки ойига камида 25 тонна Украинадан арзон-гаровга музлатилган ҳолда келтирилиб, тарқатилади. Тадбиркорга бир килоси 44 мингдан тушган мол гўшти 9 та тумандаги 300 дан ортиқ МТМга 48 мингдан пулланади. Хўш, гўштнинг сифати билан боғлиқ эътирозларга фермер хўжалиги раҳбари ўринбосари Саидбек Алобиддинов қандай изоҳ беради?

— Гўшт етказиб бериш бўйича танловда 2020 йилнинг ноябрь ойида ғолиб бўлганмиз. Мактабгача таълим муассасаларига гўшт етказиб беришни 2021 йилнинг январь ойидан бошладик. Биринчи ойда 60 тонна, февралда 50, мартда 40, апрелда 35, мана май ойида эса 24 тонна гўшт етказиб бердик.

Эътирозларга келсак, мол гавдаси махсус ускунада кесилади, қаеридадир мол ёғи ёки суяги кўпроқ ўтиб кетган бўлиши мумкин. Шу пайтгача агар бирор таълим муассасаси норози бўлиб гўштни қайтарса, сифатлисига алмаштириб берганмиз. Кейин кўп нарса гўштни қандай сақлашга ҳам боғлиқ. Масалан, биз – 21 даража совуқ ҳароратда сақлаймиз, МТМлардаги музлатгичлар “+”ли, музлатилган гўштни сифатли сақлашга мўлжалланмаган. Табиийки, музлатилган гўшт икки кунда бундай музлатгичда эриб, ўз вазнини йўқотади.

Бу сўзлардан фермер хўжалиги раҳбари Ғайратжон Алобиддинов баттар тутақади:

— Йигирма беш йилдан буён шу соҳада ишлаб келяпмиз, – дейди у. – Молия бошқармаси чиқарган хулосадан қаттиқ норозиман. Нега таъминотчи фирмамизга келиб, гўштнинг сақланиш шароити, етиб келгандаги ҳолатини ўрганмай, бир ёқлама маълумот тақдим этяпти? Мана, келиб текширишсин, эшигимиз очиқ. Балки у мактабгача таълим муассасаларида гўшт сақлаш тартиби талаб даражасида эмасдир. Майли, зиммамиздаги таъминот юкидан соқит бўлсак бўлайлик, аммо йигирма беш йиллик, миқоллаб йиққан обрўйимизга путур етишига, юзимиз қора бўлиб бозорни тарк этишимизга қараб туролмаймизку!

Саидбек Алобиддинов суҳбат асносида Қувасой шаҳридаги 28, 16, 14, 12, 6, 4-сонли МТМ директорлари ва хўжалик мудирларининг тушунтириш хатларини билиб ё билмай тақдим этди. Уларнинг орасида шундай мазмундагиси ҳам учрайди, яъни музлатилган ҳолатда гўштнинг сифатини билиб бўлмаслиги, сифатсиз гўшт келганда қайтаришга ҳаракат қилганлари, аммо бу юқоридан келган буйруқ экани, гўшт эригач, ундан котлет ёки бошқа турдаги таомлар тайёрлашда қийинчилик туғилаётгани аниқ-равшан ёзилган. Бу қоғозларни бизга далил сифатида келтирган С.Алобиддинов ўзини оқламоқчи бўлдими ёки “Ҳақиқатан биз шундай сифатсиз гўшт етказиб берамиз”, демоқчими, тушунмадим?

Беихтиёр савол туғилади: қассобхоналарда бир кило гўштнинг нархи 65 минг сўм бўлганда, Украинадан 15 кун деганда келтирилаётган, музлатилган, 44 минг сўмлик гўштнинг сифати қандай экан? Шу гўштдан ўзлари ҳам истеъмол қиладими? Нега бу гўшт бозорларга чиқмайди? Чиқса, биров оладими? Ёки болаларга шу 44 минг сўмлик сифатсиз гўшт ҳам бўлаверадими?

Мана, нега “Волида” фермер хўжалигида ишлаб чиқарилаётган сут ва сут маҳсулотларини ҳамма жон деб, эътироз билдирмай олади-ю, гўштига келганда...

Дарвоқе, “Ўзингизнинг фермангиз, 655 бош қорамолингиз бор экан, нега Украинадан гўшт келтирасиз? Шуларни бозорга чиқарсангиз бўлмайдими?” деган саволимизга “Ие, бу нархга қопламайди, ахир. Бизда ем-ҳашак, боқув қимматга тушади”, деди Саидбек Алобиддинов.

ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН

Йўл-йўлакай “Балки фермер хўжалиги раҳбарларининг ҳам гапида жон бордир, сифатли гўштнинг ҳам эпини қилиб сақлай олишмас?”, деган саволга жавоб ахтариб, Фарғона шаҳридаги 17, 34, 4, 9-сонли мактабгача таълим муассасаларининг ошхонасини кўздан кечирдик.

Ошхона биноси ҳали таомнома, сифат, меъёр, санитария-гигиена ҳолатини ўрганмай туриб, асл вазиятни ошкор қилади. Жумладан, текширувчилар келаверганидан пишиб кетган боғча мудирасидан тортиб ошпазгача эгнига оқ халатни илиб, айтавериб ёд олинган сўзларни миясида айлантириб “тахт” бўлиб туришидан хавфсираганимизни билдирмай, индамайгина эшик қоқдик. Асл вазиятни кўролмай, ёлғончи тасаввурларга алданиб қолиш хавотиридан эди бу.

Аммо ўзига ишонган, ишини пухта, тартибли бажариб келган одамни ҳеч ким саросимага туширолмайди. Фарғона шаҳридаги 4-сонли мактабгача таълим муассасаси мудираси Зулхумор Қодированинг хотиржам, очиқ юз билан кутиб олиши, сўраган саволимизга тайинли жавоб беришидан ўз ишининг фидойиси эканини англаш қийин эмас. Сотиб олинган маҳсулотлар фактураси, шартномалар, кундалик таомнома талабномаси тўғри юритилганига гувоҳ бўлдик. Ҳар бир маҳсулот – номи туширилган идишда, гўшт, сариёғ музлатгичда бузилмаган ҳолатда.

Афсуски, 9-сонли МТМ эса бунинг акси. Музлатгич ҳам, фирмалар билан тузилган шартномалар ҳам йўқ. Ҳаммасидан ҳам тоғорага солиб қўйилган “Yuksalish Bret Trade” МЧЖдан келтирилувчи гўшт (суяги кўп) ва “Supply Foods” МЧЖ томонидан таъминланувчи сариёғ музлатгич вазифасини бажарувчи салқин хонада гигиенага зид равишда сақланмоқда. Олма “хом гўшт” ёзувли тоғорада ювилмоқда, “ванна”га эса “крупа” ёзувли тоғорада етиб келмоқда...

Асли 280 ўринга мўлжалланган, 300 нафар бола тарбияланаётган 17-сонли МТТ да 11 та гуруҳ бўлиб, 10 май ҳолатига муассасада 160 нафар бола бор. Ошхона озода, саранжом. Маҳфуза Рўзибоева бошлиқ уч ошпаз ярим тушлик учун ичига суюлтирилган сут солинган ширин кулча тайёрлашаётган экан. Бири 70 грамм хамирни тарозида ўлчаб, тайёр ҳолатга келтирмоқда, бири пишган ширин кулчаларни печдан олмоқда. Мазаси, сифатини билиш учун татиб кўрдигу, таъми оғзимизда қолди.

Билсак, бу муассасада 3-, 5- ва 15-сонли МТТлар каби аутсорсинг (инглизча outsourcing: (outer-source-using) ташқи манба ёки ресурсдан фойдаланиш) хизмати йўлга қўйилган экан. Танловда ғолиб бўлган аутсорсер – “Vanessa de Lux” фирмаси бошлиғи Бунёд Сулаймонов билан бир йиллик шартнома тузилган. Унинг сўзига кўра, таомнома Фарғона вилоят мактабгача таълим бошқармаси билан бамаслаҳат тузилади, Фарғона вилояти Давлат санитария-эпидемиология назорати бошқармаси тасдиғидан ўтади. 10 майдаги таомномага кўра, нонуштага сули ёрмасидан бўтқа, ширин чой, сариёғ ва нон, иккинчи нонуштага олма, тушликка товуқ шўрва, шавла, сабзи ва карамдан салат, компот, ярим тушликка суюлтирилган сутли ширин кулча ва сут берилишини оғзаки айтишди-ю, бирор ҳужжат кўрсатишмади. Бунёд Сулаймоновнинг айтишича, барча маҳсулотлар кунлик, янги келтирилади. Ошхонада музлатгич йўқ.

34-мактабгача таълим муассасасида ичимлик суви йўқлиги (10.05.2021) сабабли ошпазлар сувни ёнидаги 17-мактабдан ташиб фойдаланишяпти. Ошхона биноси аввалги 17-боғчадан анча фарқ қилади, эскироқ, бетартиб. Икки ошпаз ташқарида, дарахтнинг соясида эртаги лик пюре учун картошка тозалашмоқда. Кўриниб турибдики, картошка сотиб олинганига анча вақт бўлган, захирада ярим йилча турган-ов. Бош ошпаз Гулнора Тожиеванинг айтишича, гўшт “Волида” ф/х, нон давлат таъминоти, сут маҳсулотлари эса “Азиз Рай” МЧЖдан келтирилади. 10 май ҳолатига кўра, муассасада 241 нафар тарбияланувчи бўлиб, таомнома – нонуштага манная ёрмаси, сут, нон, тушликка макаронли шўрва, шавла, нон, ярим тушликка пишлоқ, нон ва ширин чойдан иборат.

Аммо айтишларича, хўжалик ишлари мудири ҳамда ҳамшира омборхона эшигини қулфлаб Фарғона вилояти мактабгача таълим бошқармасига кетишган, бир соат кутдик ҳамки, келишмади. Гўштнинг сақланиш ҳолатини кўролмадик...

* * *

Украина фермаларида боқилиб, сўйилиб, сўнг музлатилиб, Ўзбекистонга етиб келгач ҳам болаларнинг қорнига тушгунича бу гўшт деганлари шунча “саргузашт”ни бошидан кечирар экан. Баъзан таъминотчининг, баъзан мактабгача таълим муассасасидаги ходимларнинг бепарволиги сабаб алал-оқибат, айланиб-ўргилиб гўшт таомга ишлатиб бўлмайдиган, яроқсиз ҳолатга келиб қолмоқда. ... ва уни жигаргўшаларимиз истеъмол қилмоқда.

Ҳақиқат, бу – айбдорни қидириш эмас, айбсизни охирига қадар излаш ва топишдир. Бу мақоланинг ёзилишидан ҳам муддао битта: кимнинг айбдор экани муҳим эмас. Муҳими, ўша сифатсиз гўшт беайблар – болаларга етиб бормасин!

Севара АЛИЖОНОВА,
“Hurriyat” мухбири.

1-б.

ХОЛИСЛИК МЕЗОН БЎЛСА ЭДИ

тинглашни ўрганиш маданияти ҳақида

“Ишлаган бўлсангиз, бу сизнинг вазифангиз, меҳнатингизга яраша давлатдан ойлик олаяпсиз”, дегим келди-ю... Хуллас, Агентликнинг бу ходими умумий гаплардан нарига ўтмади.

Куйиб-пишаётганимнинг сабабини ҳам айтай. Отам — деҳқон, онам — оддий уй бекаси. 6 йил деганда талаба бўлганман. Мени танийдиганлар жуда яхши билишади буни. Бугунги ютуқларимга осонликча эришмадим. Ростини айтсам, шу мукофотни олиб, магистратура имтиёзли ўқисам, деган умид билан ҳаракат қилгандим. Қўллари кетмонда қотиб кетган отамни яна икки йил “боламнинг контракти бор”, деган ҳадикка солмасам, дегандим.

Ниятим амалга ошмаган бўлса ҳам, керакли хулосалар олдим.

Қуйида “даъво”имга сабаб кўрсатиш мақсадида шу тақозо қилгани боис, эришган камтарона ютуқларимни санаб ўтишга мажбурман.

Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг 3-босқич талабасиман. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасида мутахассис бўлиб ишлайман. 300 га яқин публицистик мақола ва бадиий ҳикояларим туман, вилоят, республика босма нашрларида чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Зомин — 2017” семинари ҳамда Республика ёш ижодкорлари кенгашининг “Бўстонлиқ — 2017” форумларида иштирок этганман. 10 га яқин илмий-тақризий, тезисли мақолаларим Буюк Британия, Германия, Нидерландия каби давлатлардаги журнал, конференция-монография тўпламларида чоп этилган. Бадиий ҳикояларимдан 5 таси Ҳиндистонда чоп этилган “Замонавий ўзбек ҳикоялари” (Contemporary Uzbek Short Stories) халқаро наср анталогиясидан ўрин олган. Ҳиндистонда чоп этилган ҳикоялар тўпламим мазкур давлатнинг адабиёт йўналишидаги “SAHITYA SHREE” номидаги нуфузли адабий мукофот ва махсус сертификатига лойиқ кўрилган. Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида ўтказилган “Ўзбекистон–Ҳиндистон маданият кунлари” доирасида бўлиб ўтган адабиёт ҳафталигининг махсус дипломи билан тақдирланганман. “Замонамиз қаҳрамонлари”, “Жилғалар қўшиғи”, “Улуғ салтанат васфи”, “Бахт қўнғироғи”, “Умид ёғдуси” каби илмий мақолаларим ёшлар альманахларидан, “Бугунги ўзбек тилшунослигида тил ва адабиётнинг ўрни”, “Филологиянинг умумназарий масалалари”, “Замонавий психология муаммолари” каби чиқишларим республика миқёсидаги илмий-амалий конференция, илмий ва таҳлилий мақолалар тўпламларидан жой олган. “Маърифат” газетасида эълон қилинган “Муаллим, ўқувчингиз нима ўқияпти?” номли мақолам “Талаба-журналистнинг ёрқин публицистик иши” номинацияси йўналишида ғолиб деб топилган. Жаҳон истеъдодлари уюшмаси (Қозоғистон) томонидан ўтказилган “Олис болаликка саёҳат” халқаро-онлайн танловининг 1-мавсумида “Энг яхши ҳикоя” номинацияси ғолиби ҳамда махсус диплом билан тақдирландим ва 2020 йил 18 августда ушбу уюшманинг аъзолигига қабул қилинганман. 2020 йил 30 сентябрда Қирғизистон Республикасида фаолият олиб бораётган “Қирғиз шоир-ёзувчилари” жамоат фонди аъзоси бўлганман. Ўтган йили Қозоғистон Республикасининг “Абай” номидаги адабий медали билан тақдирлангандим. Шунингдек, Жаҳон истеъдодлари уюшмасининг “Елеулі енбегі үшін” (“Муҳим хизматлари учун”) медали соҳиби бўлганман. Жорий йилда эса Қозоғистон Республикасида ўтказилган “Энг яхши ёш олим — 2021” халқаро танловининг журналистика йўналиши бўйича биринчи ўрин (олтин медаль) соҳиби бўлдим.

Юқоридагилардан “Бу бола роса мукофотга ўч экан-да”, деб ўйламанг. Асло! Аслида энг катта ютуқ, мукофот соғ-омонликда, ота-она, энг яқин инсонларнинг борлиги, устозу дўсти ёрларнинг эътибори, юртимизнинг тинчлиги, осмонимизнинг мусаффолигидадир. Лекин ёшларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайдиган Ёшлар ишлари агентлиги, унинг вилоятдаги бўлимларида адолат, холислик йўқ экан, деган фикрга келдим. Шуниси алам қилди, холос.

Сиз нима дейсиз, азиз тенгдош, ўзи кимлар мукофотга лойиқ?

Ислом АСИЛБЕКОВ

ТОМОРҚА — ХАЗИНА

УМРИНИНГ ҲАР КУНИ—БИР БАҲОР

ёки бир товуқ пулига бир қоп ун...

Шундай инсонлар билан кўришасанки, юрагингда ифтихор уйғонади. Ёнингдаги суҳбатдошингга ҳавас қиласан. Беихтиёр унга ўхшагинг келади...

Карманалик Райҳон Саидова билан бор йўғи бир марта суҳбатлашдик. Аммо мана шу биргина суҳбат мен учун унутилмас хотиралардан бири бўлди.

Райҳон опа “Пахтаобод” маҳалласида яшайди. Қарийб 22 йилдан буён иссиқхонада сабзавот етиштиради. 20 сотихлик ерига еттита иссиқхона қурган бу аёл экин-тикинларининг уруғидан униб чиқиши, ўсиши, ҳосилга кириш вақтини дақиқама-дақиқа ҳисобини олади. Апрель бошланиши билан эл дастурхонини ўз маҳсулотлари билан тўлдиради.

Ўғлининг суннат тўйига тушган тўёналару сарполар эвазига иссиқхона қурдирган Райҳон опани ўзи суйган, меҳрини берган замин иззатлади. Опанинг меҳнати эътироф этилиб, 2019 йилда “Энг намунали томорқачи” деб топилди.

Аслида тадбиркорнинг ҳар бармоғидан барака томади. Сабаби, у қийинчиликдан қўрқмайди, ҳар қандай муваффақиятсизликни енгиб ўтади, меҳнатдан, машаққатдан қочмайди.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни тадбиркорликка жалб этиш масалалари мамлакат миқёсида энг муҳим жараёнга кўтарилди.

Жойларда тадбиркор ва фермерлар фаолиятини ўрганиш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг маҳоратларини ёйиш мақсадида давлат ва ҳукумат вакиллари, шунингдек, депутатлар халқ орасидадирлар.

Хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси спикери ўринбосари А.Хаитов Навоий вилояти Кармана туман “Пахтаобод” маҳалласида истиқомат қилувчи Р.Саидова хонадонида бўлиб, меҳнатидан донг таратган аёл билан суҳбатда бўлди.

— Биринчи иссиқхонамни қурганимга қарийб 25 йил бўляпти. 10 йил помидор экдим. 14 йилдан буён бодринг етиштирмоқдаман. Бодринг тез етилувчан ва яхши даромад берувчи экин. Ҳар куни камида бозорга 250-300 килограмм бодринг топшириб келаман.

Помидордан фойда кўрмадим, десам нотўғри бўлар, лекин ўн йиллик фойдамни бодринг етиштириб бир йилда топдим. Томорқамдан бир йилда тўрт марта фойдаланаман. Йилига бодрингдан 45-50 миллион сўм соф фойда кўряпман.

Кейинроқ паррандачиликка ҳам қизиқиш уйғонди. 7 йил давомида бройлер товуқ боқдим.Тадбиркорликнинг бу тури менга йилига 20 миллион сўм фойда берди. Энг катта товуғим 9 килограмм чиққан. Ўша куни уйда ун тугаган экан. Қани нима бўларкан, деб ўша 9 килолик товуқни бозорга обориб сотдим. Буни қарангки, битта товуқнинг пулига бир қоп ун олдим. Энди қуёнчилик билан ҳам шуғулланмоқчиман. Томорқаниям, тадбиркорликниям ўзимда экин-тикин туфайли айланаётган даромад орқасидан қилдим. Кредит ҳам, қарз ҳам кўтарган эмасман. Қўни-қўшниларимни ҳам томорқанинг ҳар бир қаричидан унумли фойдаланишга ўргатганман. Бизнинг маҳалламизда ҳеч ким ерини қаровсиз қолдирмайди. Фарзандларим ҳам ўз ойласида томорқа тадбиркорлиги билан шуғулланади, — дейди Р.Саидова.

Ортиқча ишчи кучидан фойдаланмай тер тўкиб, меҳнат қилаётган Райҳон опа мана шу еттита иссиқхонасига ҳар йили 21 минг туп бодринг экади. Уч айлантириб ҳосил олиш учун ўзини ҳам, тупроқни ҳам тиндирмайди.

Намунали томорқачи Райҳон Саидова яшайдиган “Пахтаобод” маҳалласида бирор хонадон йўқки, томорқасига иссиқхона қурилмаган бўлса. Маҳалланинг кексаю ёш бари-бариси рўзғоридаги бутлик учун Райҳон опани алқайди. Қизу наби-раларига уни мисол келтириб, намуна қилиб кўрсатади.

Деҳқоннинг бисоти – Ер! Деҳқон нима топса, тупроқдан топади. Райҳон опанинг ҳам бутун бойлиги — унинг томорқаси. Томорқа уни, ойласини едирди, ичирди, кийинтирди. Бахт ва давлат ато этди. Опанинг феълидаги баҳор ҳавосидай қувноқлик, қалбидаги тонг насимидай дилоромлик тўқликдан, тўқлик бўлганда ҳам, ҳалол тўқликдандир эҳтимол.

Унинг ёнидан ҳар гал кўксимни тўлдирган мунаввар ҳислар билан қайтар эканман, кўз ўнгимда биргина боласини боқиш учун давлатдан пул сўраб, нолаю фиғон қилган ёш йигит, яхши еб-ичиш илинжида давлатманд эркакларнинг нишхурдларига айланаётган гўзал санамлар гавдаланади.

Шундан бўлса керакда, халқ орасида “ҳалолидан берсин, беминнатидан берсин” деб дуо қилинади.

Ҳар қанча меҳнат, ҳар қанча машаққат кўрган эса-да, насибаси бутун, ризқи улуғ Райҳон опада ҳаётга шукуҳ ва дунёнинг ям-яшил рамзи бўлмиш тирикликка иштиёқ шу қадар кучлики, беихтиёр айтгинг келади:

БУ АЁЛ УМРИНИНГ ҲАР ДАМИ — БИР БАҲОР...

М.ПИРНАФАСОВА.
Навоий вилояти.

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган давлат гранти “Инсон манфаати — тараққиёт пойдевори” лойиҳаси асосида чоп этилмоқда. (С/20)

ЎЙЛАБ КЎРИНГ

Яхшиям, луғатларимизда шундай сўзлар бор. Яхшиям, бу сўзларда туйғуларни силкитадиган, бир айтилганда, элнинг барини бўлмаса-да, ярмини тик турғазиб юборадиган қудрат бор. Қани, бир даврага бориб “Оринг борми сенинг?!” — деб кўринг-чи, шивирлаб эмас, ҳар товушини юракка боғлаб, жонингиздан овоз бериб айтинг-чи, давра қалқимасмикан... “Ор талашмайсанми!” , “Номусга тиришмайсанми?!” — деганингизни ҳам айтган жойингиздагилар оддий “Нонушта қилдингми...”, “Тўйга бордингми ...” тарзидаги саволлардай эшитмайди. Чунки бу сўзлар, бу сўроқ-саволларда, такрор айтаман, юракни сапчитадиган, кўнгилни қўзғатадиган, миллатимизнинг жон томирларига туташ бир куч бор. Даврдан даврга ўтиб келаётган, кўпчилик эшитган, ҳозир ҳам эшитилса, зарар қилмайдиган бир ривоятни эслайлик.

ТАҲРИРИЯТДАН: таниқли шоира ва журналист Қутлибека Раҳимбоеванинг ушбу мақоласи ҳар бир юртдошимизни ўйга толдириши керак. Ахир, “Ор-номус”, “Орият” сўзлари бу шунчаки оддий сўзлар ёки атамалар эмас. Балки ҳар бир инсоннинг виждони, ғурури, қалби, юраги қадар мазмунга эга мажбуриятлар ҳам эмасми?

Яқинда Андижонда юз берган воқеа: беш нафар эркак кўринишидаги манқуртсимонлар оддий бир оиланинг 5 ойлик келинини дала шийпонида зўрлаган. Бу фожиа, бу қабиҳликка қўл уриш учун, (яна Рамазон ҳайити куни) қандай одам бўлиши керак? Ва бундай жирканч нусхаларга қандай жазо берилмоғи лозим? Газетамизнинг келгуси сонида шу ва шунга ўхшаш жиноятлар, разилликлар, уларнинг омиллари хусусида мақола чоп этилади. Унда бировнинг қизи, бировнинг келини, бир йигитнинг аёли бўлган ожизани бадном қилганлар кимлар эди, қандай оилада, қандай муҳитда улғайишган эди у нусхалар? Милиция, маҳалла профилактика инспекторларининг Андижонда юз берган бу кулфатга дастлабки муносабати ва бошқа ўйга соладиган жиҳатлар ҳақида батафсил сўз юритилади.

ОРИЯТ ЭҲТИЁЖИ

Эмишки, бир мамлакатнинг султони вақти – соати етиб, бандаликни бажо келтирибди. Юртга бошчилик қилиш маликанинг зиммасига тушибди. Бу мулкотнинг ер-сувлари мўл бўлиб, давлати анчадан буён қўшниларининг кўзини ўйнатиб, суқини келтириб юрар экан. Қўшни мамлакат соҳиби аёл эгалик қилаётган юртни босиб олмоқчи бўлибди ва таомилга кўра, бу ҳақида хабар йўллабди. Малика элчини қабул қилгач, ўзи билан ўзи фикрлашибди, сўнг унга шундай жавоб айтибди:

— Биламан, сизлар келсангиз, нон-туз билан эмас, қилич, қалқон билан келасизлар. Мен учун юртимнинг, юртдошларимнинг ҳаёти ҳар нарсадан азиз. Ниятингиз жон эмас, бойлик бўлса, уни оласиз. Бисотимда раҳматли султоним менга ҳадя қилган бир хос либос бор. Унинг иплари энг тоза тилло кукунидан, безак учун ишлатилган тошлари эса забаржад, олмос, зумрад, гавҳарлардан иборат. Бир сўз билан айтганда, бу либоснинг қийматини бемалол тобе мамлакатнинг ҳукмдор давлатга тўлайдиган бир йиллик божига тенглаштириш мумкин. Ҳозирча шуни подшоҳингизга элтиб бериб туринг, кейинги йиллар масаласини вақти келганида ҳал қилиб олаверамиз.

Малика шундай дебди-да, оғирлиги бир неча туяга (салгина муболаға бўлиши табиий ҳол, чунки ривоятлар ҳам достону эртаклар каби халқ оғзаки ижоди маҳсули-да) юк бўладиган хос либосни элчига тақдим қилдирибди. Ўзи эса “Ўйлаганларим амалга ошармикан, нозик ишораларим қўшни ҳукмдорнинг ор томирларига тегиб, титратармикан ё молу давлат ҳою ҳаваси уни буткул бундай туйғулардан мосуво қилдимикан?” деган ўй-хаёлларда кун ўтказади. Маликанинг ҳадясини кўрган подшоҳнинг кўнглида бўрон қўзғалади. “Мен аёл кишининг бош эгасидан ёдгор ҳадяни олиб, бойийдиган даражада паст кетадиган ҳукмдорманми? Унда менинг эр кишилик ор-номусим қаерда қолади? Боринглар, либосини ўзига қайтариб олиб бориб беринглар! Менга божи ҳам, мамлакати ҳам керак эмас, ўзига буюрсин, кечдим!” дебди. Хос либос қайтиб келгач, малика ўйлаганлари амалга ошганига, ўртага ор-номус масаласи тушганда бошқа ҳаваслар орқага тисарилишига яна бир карра иймон келтирибди. Балки, бу ривоятда ҳақиқатдан кўра тўқувчи истагига бўйсунган тўқима кўпроқдир. Лекин барибир пинҳон, ошкор ғалабаларга ор-номус сўқмоқларидан юриб ўтилиши бор гап. Фақат оладиган мукофот пулини деб эмас, “Ватан, миллат ор-номуси учун”, дея майдонга тушган курашчиларнинг аксарият ғалабаларига ҳам куч, маҳорат баробарида юракни ёндириб турган шу туйғу кафолатдир.

Лекин (ана шу “лекин”и ёмон-да, ана шу “лекин”и алам қилади-да) кимимиздир, кимларимиздир бу туйғуни унутиш тараф кетаётгандаймиз”... да. Енгилтабиатли аёлларни тўплаб, танасини сотишдек ифлос иш билан шуғулланишга мажбур қилаётган кимсалар қўлга олинди...” “Замон” ахборот дастури башарасини кўрсатмагани билан уларнинг исмини айтади: исмлардаги таниш “ой”, “гул”, “хон” қўшимчалари қулоққа эмас, қалбга тикандек ботади. “Бизникилар, ўзимизникилар...”, дейсиз тишингизни маҳкам қисиб, лабингизни тишлаганингизда сизган қонни ичга ютиб. Қани маҳалласи қизининг номуси учун, унга доғ туширмаслик учун жонини тиккан жўмардлар?! Қани, “Синглим ойламнинг юзи”, дея ўзидан кечиб мунглисини қўриқлаб яшайдиган акалар, оғалар?!

Водийлик бир қиздан эшитганим бор. Бир йигит уч нафар акаси бор қизга ишқ изҳори ёзиб, мактуб билан бирга қуритилган лолани китоб варақлари орасига солиб, ўртоғидан бериб юборибди. Хат синглисини садоқатли вафодор (ит)дай қўриқлайдиган акаларнинг қўлига тушибди. Улар ошиқ йигитни кечаси тутиб олиб уч кўчани тиззалатиб айлантирибдилар. “Сен ҳақиқий ошиқ бўлсанг, бокира қизга акаларинг ухлаганда кўчага чиқ, деб ёзармидинг?! Чин ошиқ ўзи кўнгил қўйган қизини тунлардан ҳам, тунларнинг қорасидан ҳам ҳимоя қилади-ку”, дейишибди. Ошиқ йигитнинг тиззалари шилиниб кетибди, лекин акалар уни то “Энди бирорта қизга ишқим тушса, аввал онамни совчиликка юбораман...”, деб қасам ичгандан кейингина қўйиб юборишибди. Эҳтимол, бугуннинг баъзи ахлоқсизликлари, баъзи ҳаёсизликларини эркинлик билиб ўзидан кетаётган, ўзанидан узоқлашаётганлар учун бу акалар ибтидоий акалар, жазо ибтидоий жазо бўлиб туюлар, лекин рафиқасига эргашиб келган қизи — ўгай фарзандининг номусига тажовуз қилаётган иймонсиз ўгай оталар (ҳа, улар бор ва фақат бир эмас) ҳақида ўйлаганимизда ўша ибтидоийлик қадри юксалиб кетмайдими?!

“... шаҳрига бир иш билан борган эдим. Кеч тушгач, меҳмонхонада зерикиб, шу шаҳарда анчадан буён ёлланма меҳнат билан шуғулланаётган қўшнимни ахтара бошладим. Манзилини қишлоқдан телефон орқали суриштириб, топиб бордим. Аммо борганимга пушаймонлар қилдим. Ҳар куни ювинсам ҳам покланмагандекман. Ҳолбуки, мен ўша манзилда ҳеч нарсани кўрмадим, ҳеч нарсага аралашмадим, фақат эшитдим. Эшитганларимнинг ўзидан балчиққа ботиб чиққандек ҳис қиляпман ўзимни... Чунки бу ижара уйда йигирматача эркак яшар экан, икки нафар аёл уларнинг ош-овқатига қарар экан, ҳам эркаклар навбати билан улардан нафсини қондириш учун ҳам фойдаланар экан...”

“Ёлғон, ёлғон, бизнинг бошқа шаҳарларга бориб ишлаётган аёлларимизга туҳмат бу! Улар фарзандлари яхшироқ, яна ҳам яхшироқ таъминотга эга бўлишлари учун чидашяпти мусофирчилик азобларига!”. Ичингиздан шундай ҳайқириқ келяптими? Бор, шундай оналар ҳам, ота-онасини етмаган орзуларига етказиш учун бегона шамоллар чорраҳасида изиллаб юрган виждонли қизлар ҳам бор. Аммо юқоридаги азоб ичида айтилган гап ҳам туҳмат эмас, бу — бир одамнинг дарди, бир одамнинг эмас, кўпимизнинг дардимиз.

Ахир, дунёнинг қай бир пучмоқларидан бизгача етиб келган, яқин-яқинларда пичирлаб айтилган, бугун овозини қўйиб юборган “бир жинслилар яқинлиги” деган одам боласи ҳазар қиладиган иллатлар мана шундай дарддан ўсмадек ўсиб чиқмаса, қаердан пайдо бўларди?

Техника фанлари доктори, академик Сарвар Қодировнинг таржимаи ҳолига оид бир китобни бадиий тарафдан назардан ўтказаётганимда, бир жиҳат диққатимни тортган эди. Домла ёзадилар “Москвада ўқиётган бир гуруҳ аспирантларнинг ҳаммаси — ҳаммамиз, ночорроқ оилаларнинг фарзандлари эдик. Ўқишдан ташқари, тирикчилик учун пул топишга ҳаракат қилардик. Кимимиз нўноқроқ аспирантларнинг чизмаларини чизардик, баъзиларимиз қор курашга чиқардик, тунги кафеда идиш ювадиганларимиз ҳам бор эди. Биз топган пулларимизни тежаб, ўзимиздан ҳам кўпроқ юртимиздан келган аспиранту талаба қизлар учун сарфлардик. Улар бегоналар билан бошлашиб кетмасин, бировларга қарам бўлиб қолмасин, дея акаси, иниларидай бўлиб қўриқлаб юрардик, ҳеч нарсага муҳтож қилмасдик”.

Эр кишилари, домланинг ёзувларида акс этганидай, аёллари орига посбон бўлиб яшаган ўша кунлардан буён нима ўзгарди? Тузум эврилган бўлса яхшиликка эврилди-ку. Озодлик бу дунёнинг энг гўзал имконлари ичра яшаш ҳуқуқига эришиш эмасми? Ўрни келганда айтиш жоизки, давлатимиз қизларимиз шарафини ҳимоя қилиш, аёллик, оналик мартабасини улуғлаш учун керагидан ортиқ имтиёз, имкониятлар яратмоқда. Ўқишга кириш, касб-кор эгаллаш, иш билан, уй-жой билан таъминланиш масалаларида хотин-қизларга кўрсатилаётган бугунги эътибор ҳеч қачон бўлган эмас. Хўш, унда нима учун баъзи опа-сингилларимизнинг ор-номуси борасида аксарият ҳолларда юзимиз ерга қараб қоляпти? Гап шундаки, бу масаланинг ечими кўп ҳолларда оила муҳитига боғлиқ. Яъни, оталари, акаукалари ориятли бўлган хонадондан уруғ-аймоққа иснод келтирадиган аёл чиқмайди.

Яқинда хориждан йўлланган бир мактубни ўқидим. Мактуб муаллифи бўлган аёл бундан бир неча йиллар аввал вилоятларимиздан бирида истиқомат қилган экан. Бир ўғилдан сўнг кетма-кет қизлар туғилгач, онаси тўнғич қизини “тезроқ кутилай, изингда сингилларинг етилиб турибди”, дея ўн етти ёшга тўлар-тўлмас узатиб юборибди. Шошма-шошарлик билан, обдан суриштирилмай қилинган ишнинг оқибати яхши бўлмабди. Эри нашаванд чиқибди. Ҳар гал калтакланиб уйига келганида отаси:

— Чида, сабр қил, сен қайтиб келсанг, сингилларингни ҳам биров сўрамай қўяди, деб қайтариб юбораверибди. Ахийри, калтакланиш, хўрланиш жароҳати операция столигача етиб боргани учун уйидагилар қайтариб олиб келишга мажбур бўлишибди. Барибир икки фарзандли аёл ўз уйида ҳам акаси, келинойиси тарафидан турткилана бошлабди. Натижада, аёл бир боласини холасига қолдириб, бирини олиб хорижга ишлагани кетади. Ота уйига қайтиб келганида аёл “Қўлим – ширин, ишлаб, маблағ йиғиб, ҳовлимизнинг этагидаги бўш ерга иморат қураман, болаларим билан шу кулбада тинчгина яшайман, акам, ота-онам гувала уй тиклашимга ёрдам берар,” дея умид қилар экан. Аммо акаси “Болаларинг болаларим билан чиқишмаяпти. Уйимнинг тинчини бузяпсан”, деб сингилни кўчага ҳайдабди. Шу-шу аёл хорижга кетади ва қолиб кетади. Ноилож қолган чоғида бирга ишлаётган турк йигити:

— Яхши пазанда экансан, менинг отам сендай бир аёлга муҳтож, сенга яхши пул тўлайман, юртингда қолган болани ҳам олиб кел. Уларни мактабга жойлайман, дейди. Аёлнинг кўнишдан бошқа йўли йўқ эди. Бунинг устига, йигитнинг отаси:

— Мен номаҳрам аёлга фақат танмаҳрам қилиши керак бўлган зарурияларни қилдира олмайман, меникида қолиб ишлашинг учун никоҳимга ўтишинг керак бўлади, дейди. Аёл бунга ҳам кўнади. Йилларки шундай ўтибди. Аёл ёзяпти: “Эримни яхши парвариш қилганим учун тузалиб кетди. Болаларим ҳам ўқиб касб-корли бўлди. Бир аёлга нима керак бўлса, бугун ҳаммаси менда бор. Кейинги пайтларда уйимдагилар билан ҳам муносабатим тикланган. Ота-онам дунёдан ўтиб кетди, акам касалманд бўлиб қолди, тез-тез пул жўнатиб тураман. Яқинда бориб келдим. Бир пайтлар “Ҳовли қураман,болаларимга ватан қиламан”, деган жойимга ит боғлаб қўйишибди. Ўтириб роса йиғладим. Наҳот, менинг оиламда шу жониворчалик қадрим бўлмади? Ота-онам, акам менинг номусимни ўйлаганида, бугун мусофир жойларда сарсон бўлиб юрармидим?“

Аёлнинг титраниб ёзган саволларининг оғриғи энди сизга кўчади. “Хотиним акамнинг жазмани экан”, “Кенжа боласи меники эмас экан, ўзи тан олди, ишга олиб бориб, олиб келиб юрган ҳайдовчи билан ишқий муносабати бор экан”... Айрим телеканаллар, ижтимоий тармоқлар орқали келаётган бундай хабарлар оғриғигизни кучайтиради. Бир даврада шу ҳақида гап очилган эди, ўтирганлардан бири:

— Эшитишга кўникиб ҳам қолдик, деб юборди. Менга бу гап қаттиқ тегди. Одам орсизликка кўникиши мумкинми?! Ахир, инсониятнинг, хусусан, бизнинг миллатимизнинг қалбимизда асрашимиз, боламиз, неварамизга маънавий мерос қилиб қолдиришимиз мумкин бўлган бебаҳо туйғуларимиздан бири-ку бу...

Йўқ, ўрганмайлик, кўникмайлик. “Ҳозир уммондек тўлқинланиб оқаётган халқмиз, бундай иллатлар томчидай сингиб, билинмай кетади”, демайлик! Худди Чингиз Айтматовнинг Найман онаси фарзандини силкитгадек, “Ор-номус”, “Орият” сўзларини айтиб, атрофимизни силкитиб турайлик!

Қутлибека РАҲИМБОЕВА.

ҲАҚИҚАТ МУАЛЛИФИ

ёхуд инсоният тафаккурига мангу чорлов

1-б.

У бироз вақт Би-би-си хизматида ишлаган бўлса-да архивларда Оруэлл иштирок этган дастурларни топишга уринишган, топа олишмаган. Архив раҳбарининг сўзларига кўра, бу ачинарли, аммо ажабланарли ҳол эмасди. Дунёни ҳар куни нотинч уруш оловлари қамраётган бир пайтда эҳтимол, бунинг мавриди бўлмаган.

“Оруэлл даврида ёзувлар жуда кам сақланиб қолган: радио, асосан, жонли эфирда бўлган. Аммо уруш пайтида Би-би-си чет элда қамровини кенгайтирган. Ёзувлар дискларда тайёрланган, бир неча бор эфирга узатилгач, ўчирилган. Баъзан ёзувлар доимий фойдаланиш учун ишончли архив дискларига ўтказилган. Афсуски, Жорж Оруэлл иштирокида бирор эшиттириш сақланиб қолмаган”, - дейилади архив хабарларида.

Би-би-си қароргоҳида Жорж Оруэллга ёдгорлик ўрнатилган жой у ер ходимлари учун норасмий чекиш жойи ҳисобланади, шунинг учун Оруэллнинг қўлидаги сигарет жуда табиий кўринади. Ёзувчи, бироз кулгили, стандарт бўлмаган кийимларида ва ўзига хос соч турмаги билан тасвирланган.

Жорж Оруэлл 1903 йилда Британия Ҳиндистонининг Мотиҳари шаҳрида туғилди. Британиялик ёзувчи, журналист ва публицистнинг асарлари содда ёзув услуби, тоталитаризмни танқид қилиш ва демократик социализмни қўллаб-қувватлаши билан ажралиб туради. 5 ёшида у йўлбарс ҳақида шеър ёзиб, унда йўлбарснинг тишларини “стуллар”га ўхшатади. Беш яшар боланинг бу ғаройиб ўхшатиши атрофдагиларни ҳайратга солганди. Ўттиз ёшида у “Мен вақтга бегонаман”, деб ёзди ва бу умр бўйи ёзган асарларида ҳам, ҳаётида ҳам ёзувчини таъқиб қилди.

Эрик бир яшарлигида, онаси ва синглиси Маржори билан Англияга кўчиб кетди. 1922 йилдан 1927 йилгача Бирмадаги мустамлакачилик полициясида хизмат қилди, кейин узоқ вақт Буюк Британия ва Европада фавқулодда ҳолатларда яшаб, фантастика ва журналистикада ижод қилишни бошлади. Ҳаёт турли кўринишларда унинг асарларига кўча бошлади. Илк автобиографик романини Англиядаги энг севимли жойларидан бири Оруэлл дарёси шарафига “Жорж Оруэлл” тахаллуси билан нашр эттиради.

Адабий истеъдодини кашф этган Блер Парижга кўчиб ўтди ва китоб ёзишни бошлади. Биринчи ҳикоясини нашр этар экан, Европада кечган ҳаётидаги саргузаштларни тасвирлади. У ҳатто Париж ресторанларида идиш-товоқ ювди. Китобининг биринчи кўриниши “Идиш ювиш машинасининг кундалиги” қабилида ғаройиб номланиб, муаллифнинг Франциядаги ҳаётидан ҳикоя қилган.

1936 йилда Оруэлл уйланди ва олти ойдан сўнг рафиқаси билан бирга фуқаролик уруши бошланган Испанияга жўнаб кетди. Урушда деярли олти ой бўлди, 1937 йил Уэскадаги жангда томоғидан жароҳатланди. У аъзо бўлган партия Сталинга қарши бўлгани учун 1937 йилда Оруэлл ва унинг рафиқасида ҳибсга олиниш хавфи кучайди. СССР тарафдорлари муттасил таъқиб қилгани сабаб Оруэлл Испанияни шошилинч тарк этди.

Испаниядан Англияга қайтиб келган Оруэлл социализм ривожланишини қўллаб-қувватлаган Мустақил Меҳнат партияси сафига қўшилди. Шу билан бирга, ёзувчи дунёқарашида сталинист тоталитар тузумни кескин танқид қилиш руҳи пайдо бўлди. Жорж ўзининг иккинчи асари – “Бирмадаги кунлар” романини чиқаришга тараддуд кўрди. Ушбу китобда муаллиф ҳаётининг маълум бир даври, хусусан, полиция бўлинмасида хизмат қилиш жараёни акс этган. Бунда ижтимоий руҳ устунлик қилган ва Жорж Оруэлл истеъдодли публицист сифатида кўзга ташланади.

Оруэлл умри давомида бир марта ҳам совет Иттифоқига бормаган бўлса ҳам Британия махсус хизматлари уни коммунистлар билан сиёсий алоқаларда гумон қилган. “СССР агенти” деган совуқ гумон у тириклигида доим тирик бўлган. 1943 йилгача Би-би-си радиосида антифашистик дастурни бошқарган, кейин “Трибуна” газетасида адабий танқидчи лавозимида ишлаган даврларида қирғинбарот уруш мавзусини тўлақонли акс эттирган курашчанлик руҳидаги мақолалари билан танилади.

1938 йилда ёзувчи бошқа оила қурди. Айлин Ошоугнессига уйланди. Эр-хотиннинг ўз фарзандлари бўлмаган, аммо улар Ричард Ҳоратио исмли болани асраб олишган.

Оруэллнинг урушдаги ҳаёти силлиқ кечмаган. У биринчи марта одам отганида етти соат ботқоқда қолиб кетади. Хотини юборган туморни бағрига босганча бир неча бор ҳужумга ўтади. Орадан икки йил ўтиб, Лондонга ҳам бомба тушди. Унинг башорати амалга ошди. Оруэллнинг китобларига тафаккур чорраҳаларида ўзи яшаб турган тузумга қўйилган ташхис деб қаралган. Улардаги 137 башоратдан 100 таси амалга ошган!

Жоржнинг рафиқаси 1945 йилда тўсатдан вафот этди. Ягона севган кишисини йўқотиш ёзувчи ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб юборади. Бундан ташқари, унинг соғлиги ҳам жойида эмасди. Бахтсизликлар қуршовида Жорж кичик бир оролга сафарга чиқди ва кўп йиллар давомида ўйлаб юрган роман ғоясини қоғозга туширишга фурсат туғилади.

Толстойникига ўхшаш ботиний исён Жоржни умрбод таъқиб қилди. У муттасил виждон қўзғалони ичида яшади! Туғилганданоқ тенглик ва адолат ғоялари билан “яраланган” эди. Оруэлл учун цивилизация кўлами ҳар доим оддий одоб-ахлоқ негизида нафас олган.

Ҳарбий ҳаракатлар тугаб, Европа фашистлардан озод қилингандан сўнг, Оруэлл “Молхона” деб номланган сиёсий сатирик романини ёзишга киришди. Асарда инқилоб жараёнида ҳукмрон элита мафкурасининг эврилиши реал ва кинояли тарзда тасвирланган. “Молхона” собиқ совет Иттифоқида фақат қайта қуриш даврига келиб нашр этилган. Асар сюжети ёзувчи бир пайтлар гувоҳи бўлган вазиятга асосланади: инглиз қишлоғида Жорж болакай митти таёқ билан отни қувиб кетаётганини кўради. Ўшанда Оруэлл “агар жониворларга онг битганида эди, улар устидан ўзларидан анча заиф бўлган одам ҳукмронлик қилмаган бўлар эди”, дея мушоҳада қилди. Бу дистопия услубида ёзилган китоб. Ушбу жанр америка ёзувчиси Олдос Хакслининг “Ғаройиб янги дунё” романи нашр этилгандан сўнг пайдо бўлди. Бир қатор адабиётшунос олимлар ва танқидчилар Оруэллни совет ёзувчиси Замятиннинг “Биз”да акс этган ғояларни ўғирлашда – плагиатда айблашади. Оруэлл вафотидан кейин роман асосида худди шу номдаги иккита фильм суратга олинди.

“Молхона” ХХ асрнинг энг даҳшатли башорати эди. “Молхона” асари сўзбошисида: “Агар сўз эркинлиги ниманидир ифодаласа, бу одамларга ўзлари истамаган нарсани гапириш ҳаққидир” деб ёзилган.

Асарга кўра, Англия Уиллингдон яқинидаги “Усадьба” фермасида жониворлар исён кўтаради. Ҳикоянинг бошида фермага маҳаллий майхўр деҳқон жаноб Жонс эгалик қилади. Фермада аҳвол ёмонлашади. Ушбу асардаги ҳайвонот ҳукуматининг асосини чўчқалар ташкил қилган ва улар томонидан катта омборнинг учига бўёқ билан ёзилган қоидалар муҳим эди: икки оёқда юрган – душман, тўрт оёқда юргани (шунингдек, қанотлилар ҳам) дўстдир, ҳайвон кийим киймайди, ҳайвон ётоқда ухламайди, ҳайвон сархуш бўлмайди, ҳайвон бошқа ҳайвонни ўлдирмайди, барча ҳайвонлар тенгдир.

Кечаси чўчқаларнинг энг ҳурматлиси йиғилиш ташкил этади, у жониворларни ҳокимиятни ағдаришга чақиради ва улар “Англия махлуқлари” қўшиғини куйлайдилар. Чўчқалар Наполеон, Снежка ва Визгун бошчилигида қўзғалонга тайёргарлик кўришади. Бир куни Жонс ҳайвонларни боқишни унутади ва бу қўзғалонга сабаб бўлади. Ҳайвонлар уни ҳайдаб чиқаради ва фермадаги барча кучлар чўчқалар қўлига ўтади. Яшил дастурхон, оқ туёқ ва шохни чизиш орқали ўзларининг ҳайвонлар ҳукумати байроғини таъсис этадилар. Яшил дастурхон Англия далаларини, туёқ ва шох эса ҳайвонлар мамлакатини англатади. Янги барпо этилган ҳайвонлар мамлакатида улар, шомдан то тонггача ишлашларига қарамай, ўзларини эркин ва бахтли деб биладилар.

Ҳайвонлар мамлакатининг ҳукмдори бўлган Наполеон барча буйруқларни бекор қилади, фақат биттаси, охирги ва энг муҳимини бекор қилмайди – “Барча ҳайвонлар тенг, аммо баъзилари бошқаларга қараганда тенгроқдир”. Фермадаги ҳаёт Наполеон ва унга яқин чўчқалар назорати остида бўлиб, улар ҳайвонлар фермасида барча қарорларни қабул қилишади. Агар ҳайвонлар шубҳа қила бошласа, атрофдагилар уларни ҳаммаси яхши эканлигига ишонтиради.

Асар қариликдан кўр бўлган Клевер оти (“Хрумка”) ва бошқа бир қанча ҳайвонлар томоша қиладиган одамлар ва чўчқаларнинг жанжалларию ярашиши билан тугайди: “Ташқарида қолганлар чўчқалардан одамларга, одамлардан чўчқаларга қайта-қайта қарашар, аммо ким кимлигини аниқлаш асло мумкин бўлмай қолган эди”. Бу тузум учун энг адолатли баҳо эди.

Муаллиф кейинги романини нима учун айнан “1984” деб номлаганлиги номаълум. Баъзи танқидчилар муаллиф 1984 йилга келиб, агар ижтимоий тизимда глобал ўзгаришлар бўлмаса, жамият романда тасвирланган кўринишга эга бўлишига ишонганини таъкидлашади. Бироқ, умумий қабул қилинган қарашлар шундан иборатки, роман номи ёзилган йилини акс эттиради — 1948, лекин рақамлар охиридаги иккита рақам тескаридан ўқилади. У ушбу китобни “Охирги одам” деб атамоқчи эди, лекин афсуски, аллақачон бу номда китоб бор эди. Оруэллнинг “1984” романи — бахт ҳақида. Ҳа, одамларнинг ижтимоий тенглиги ва умумий Адолат тўғрисида! Оруэллда қуйидаги сўзларни учратиш мумкин: “Бахт ҳаётнинг мақсади эканлигига ишонмайдиганларгина бахтни ҳис қилишади”.

Ўша пайтларда сил касаллигининг давоси бўлмаган ва Оруэллда ишлаш тобора қийинлашади. Лондонга қайтиб келган Жорж Оруэлл 1950 йил 21 январда вафот этди. Бу вақтда “1984” романи нашр этилганидан роппа-роса 6 ой тўлганди. Унинг асарлари 20 жилдда нашр этилган: 5 та роман, сатирик эртак, шеърлар тўплами ва танқидий асарлар ва публицистикаси тўрт жилддан иборат. Улар 60 тилга таржима қилинган, фильм қилинган, мактаб ўқув дастурларига киритилган. Англияда романнинг иккинчи нашри 50 минг, умуман, Қўшма Штатларда 360 минг нусхада босилган. Дунё кимни йўқотаётганини унинг ўлимидан кейингина тушуниб етди.

Бугунги кунда Оруэллнинг китоблари бутун дунё бўйлаб тарқалган ва шуҳрат шоҳсупасини эгаллаган. Шимолий Кореяда ёки радикал ислом дунёсида, эҳтимол уни кам одам ўқиган бўлиши мумкиндир. Аммо, бу унинг шуҳрати чегараланишига дастак бўлолмайди. Бир асрга яқинлашяптики, дунёнинг ривожланган мамлакатларида унинг роман ва публицистикаси қайта-қайта нашр қилинади.

У 38 ёшида Би-би-синиг чет эл хизматида радио ёрдамчиси бўлиб ишлайди. Продюсер сифатида уруш пайтида Оксфорд кўчасидаги Питер Робинсон дўконидан ижарага олган подвалда фаолият олиб борди. “У Би-би-сидаги ишини урушда иштирок этишнинг ўзига хос тури сифатида қабул қилган”, – дейди Тэйлор.

Оруэлл дастлаб ҳиндлар учун ҳафталик янгиликлар шарҳини тайёрлаган, уни ҳинд ходимлари ўқиб эшиттиришган. Ушбу нашрларнинг сценарийлари 1980-йилларда топилган ва нашр этилган.

Жорж Оруэлл адабиёти ва публицистикаси биллур чорраҳаларда кесишади. У инсоният тафаккурини озодлик ва адолатга, ҳақиқат ва тенгликка мангу чорлаб тураверади. Зотан унинг чорловлари “Молхона” ва “1984” кўринишида инсоният идроки силсиласига муҳрланган. Уларда уруш кўрган ёзувчининг, қонли жанглардан репортаж тайёрлаган журналистнинг мангу даъватлари ўрин олган. Бугун ўзбек ўқувчиси ҳам “Молхона” ва “1984” асарларини ўз тилида қўлга олар экан, муаллиф виждони исёнларининг акс-садосини юрагининг энг чуқур жойларида туриб тинглайди.

Гўзал БЕГИМ тайёрлади.

Китобдан ўзга НАЖОТ ЙЎҚ!

1-б.

Бир қарасанг афт-ангори тузук, қўл-оёғи бутун, кўзи, оғзи бор. Гапиради. Лекин одам эмас! Қанчалик оғир фожиа бўлмасин, шундай: жони бору маънавий жони йўқ...

Узоқ тарихдан аёнки, Герастрат дунёнинг етти мўъжизаси ҳисобланмиш Артемида ибодатхонасини ёқиб юборган. Кимлардир унинг бу қилмишини ҳам тарихда ном қолдириш учун қилинган, дейишади. Агар шундай бўлса, у ниятига етган. Акс ҳолда эҳтимол ҳозир уни эсламаган бўлардик.

Айтишларича, қадимги юнон фуқароси Геростратнинг хўрозлар жанги учун тайёрланган хўрози бўларди. Эгаси учун бу хўроз жуда қадрли бўлиб, уни еру кўкка ишонмасди. Бу хўроз барча жангларда енгиб чиқиб, Геростратнинг обрўсига обрў, шуҳратига шуҳрат қўшишда давом этарди. Кунларнинг бирида одатдагидек хўроз жанги бормоқда эди. Ҳар доимгидек Геростратнинг хўрози пешқадам. Кутилмаганда рақиб хўрознинг эгаси Геростратнинг ёнига келди ва хўрозим енгилаяпти, агар рухсат берсанг, мен хўрозимга ғалаба дуосини ўргатардим, дейди. Герострат рози бўлди. Шу тариқа рақиб томон кетма-кет 3 марта танаффуслар чоғида хўрозига турли дуолар ўргатди ва унинг хўрози ғалаба қозонди. Ҳамма ҳайрон, ҳатто Худога ишонмайдиган Герострат ҳам мағлубият олдида ақли ожиз қолиб, худога ишонадиган бўлди. Бироз вақтдан сўнг Геростратнинг олдига бир киши келиб, “Сени алдашди, чунки хўрозлар жангида рақибинг хўрозига ғалаба дуосини ўқимади, балки у уч марта танаффусда худди хўрозига ўхшаш хўрозларни найранг билан майдонга туширди. Сенинг хўрозинг эса навбат билан чиқарилган 4 та хўроз билан олишди ва енгилди”, деди. Бу гапларни эшитган Геростартнинг ғазаби қайнаб, кўзига бутун олам қоронғи кўриниб кетди. Чунки уни алдашганди. Чув тушган Герострат тинмай бир гапни такрорларди: “Наҳотки Худони ҳам алдаш мумкин бўлса”. Бирмунча муддат диний анъаналар ва қадриятлар кўзига яхши кўринган бўлса, энди у бу қадриятлар билан боғлиқ жамиийки нарсаларга нисбатан нафрат ҳиссини туйди. Ҳатто дунёнинг етти мўъжизаси сифатида эътироф этилаётган Артемида ибодатхонаси ҳам унинг кўзига ёлғончи ва олчоқ кимсаларнинг макони бўлиб кўринади. Шунинг учун у Артемида ибодатхонасига ўт қўйди...

Албатта, бу ҳикоя билан Геростратни оқламоқчи эмасмиз. Устига-устак, бу воқеа бўлган-бўлмаганлигига ҳам ҳеч ким кафолат бермайди. Эътиборингизни асосий бир жиҳатга қаратмоқчимиз, холос. Герострат қайсидир маънода ўз даврининг террорчиси, инсонлар онгини заҳарловчиси эди. Ҳар қандай йўл билан ҳам шон-шуҳратга интилувчи шуҳратпараст кимса эди. Худди ҳозирги тиктокер ёки нима қилаётганини билмайдиган айрим манқурт ёшлар сингари. Ўша пайтда ҳам, бугун ҳам инсоният бу каби тоифаларга қарши курашиб келади. Афсуски, бу кураш аксар ҳолларда бир томонлама амалга оширилади. Яъни, мавжуд муаммони бартараф этиш курашнинг асосий қисми, аммо муаммонинг келиб чиқиш сабаблари, “Геростратлар”ни юзага чиқарадиган омиллар билан деярли ишимиз йўқ. Жиноятчими, унинг устидан ҳукм ўқилади, жарима ундирилади ёки озодликдан маҳрум этилади. Ҳеч бўлмаганда, камида “жиноятчи” ва унинг ота-онаси ОАВ орқали изза бўлгани, афсусдалиги, қайтиб такрорламаслигини “изҳор этади”, узр сўраб, тавба-тазарру қилади. Ҳолат шу кетишда давом этаркан, кўзимиз фақат Геростратларни кўраверади ва биз муаммони енга олмасдан, фақат унинг сояларига қарши курашиб юраверамиз...

Бугунги глобаллашув даври, енгил яшашга интилиш ва ижтимоий тармоқлар манияси бутун инсоният, айниқса, ёшларни салкам ақлдан оздирмоқда. Балки бу эркинлик, замонга мослашув, давр билан ҳамнафас юриш, дерсиз. Кечирасизу, бу асло шўхлик ёки бошқа нарса эмас. Шунчаки дебилизм!

Бу “олтин авлод”, эртамиз эгалари шунчалик эътиборга муҳтожки, лайк учун ҳатто... тайёр туради, ўз аждодларининг сиймоларини оёқости қилишгача ва ҳоказо.

Энг ёмони, ўзини донолар доноси деб билувчи бу авлодга сизнинг гапларингиз заррача қизиқ эмас. Куюниб, унинг фойдасини ўйлаб гапирсангиз, энсаси қотиб эшитиши мумкин, лекин ишонаверинг, унинг кўзига камида замондан орқада қолган ва ёшларни тушунмайдиган “қария” бўлиб кўринасиз, холос.

Бундай авлод деярли шаклланиб бўлди, энди бу уларнинг ўзидан кейингиларга таъсирини камайтириш учун таълим тизимини қайтадан ислоҳ қилиш ва китоб тарғиботини, мутолаа тарғиботини кучайтириш шарт ва зарур!

Огоҳ бўлайлик, уйғонайлик азизлар. Ахир Президентимиз ҳам бот-бот фарзандларимиз тарбияси ҳақида жон куйдириб: “Болаларимизни телефон тарбия қиляпти”, деб бежиз куйиниб гапирмаяпти. Китобга, илму маърифатга, матбуотга қайтишдан ўзга нажот йўқ.

Тўғри, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишни ҳам тақиқлаб бўлмайди. Шунчаки ундан фойдаланиш маданияти ва меъёрларини фарзандларга тушунтиришимиз, сингдиришимиз керак. Зеро, ҳали умид бор. Лекин бепарволик ва лоқайдликнинг бадали янада оғир, янада фожиали бўлиши мумкин. Зеро, донишманд боболаримиздан бири “Илмдан ўзга нажот йўқ”, дея огоҳ этган эди. Илм эса китобдадир.

Шахбоз АБДУРАИМОВ,
педагог.

ЁД ЭТИБ

Бобомнинг ўгитлари

Хотира — ўтганларни эслатиб туради, ўзликни англатади. Қадр — инсонни улуғлайди, жамиятни безайди. Хотира ва қадрлаш кунининг мазмун-моҳиятида ҳам ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

1999 йили 9 май куни мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Хотира майдони ташкил этилди. Шу кундан бошлаб 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонланиб келинади.

Шу ўринда бир ривоятни келтириб ўтмоқчи эдим. Имом Термизий ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: “Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Кейин менга маълум бўлди (яъни Аллоҳ томонидан буюрилди). Энди қабрларни зиёрат қилаверинглар. Чунки у қалбни юмшатади, кўзни ёшлатади ва охиратни эслатади”.

Яъни, ўтган яқинларимизнинг қабрини тез-тез зиёрат қилсак, юрак бўшайди, кўнгиллар жунбушга келиб, кўздан ёш қалқийди. Бу орқали ғуборлар ювилади.

Ушбу кунда Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, бу аёвсиз жангу жадалда қаҳрамонларча ҳалок бўлганлар хотираси баробарида, балки авлодимиздан ўтган яқинларимизни ҳам эслаш одат тусига айланган. Бу билан уларнинг руҳлари шод, охиратлари обод бўлади.

Шундай экан, хоҳ қариндош, хоҳ бегона бўлсин, бу дунёни тарк этдими, фақатгина ўтган кишиларнинг яхши хислатлари, у билан ўтган яхши кунлар эсланади. Ўтган инсонни “у яхши инсон бўлган эди”, дея ёдга олиниши фарзандлар, набиралар учун фахр туйғусини бағишлайди.

Нафақат ўзлари балки, улар қилган ишлар, қолдирган ўгитларини доимо ёдда сақлашимиз зарур. Шу кунларда маҳалладошлари юрагидан, қишлоқдошларининг қалбидан жой олган бобом Бегмамат Бойтурдиевни ҳам эслашни жоиз деб биламан. Бобом 1953 йил 6 апрелда Қашқадарё вилоятининг Касби туманида оддий деҳқон оиласида таваллуд топган эди.

Бобом бир неча йиллар мактабда ўқитувчи, маҳалла йиғинида турли вазифаларда ҳалол меҳнат қилиб келган. Эсимда, мактаб кезлари ҳар йилги ёзги таътилда бобомларникига борардик. Улар билан гурунглашиб ер чопиш, ерларни суғориш ишларига ёрдам берардик, ҳовлисига турли кўчатлар экардик. Бобожоним таътилга чиқишимиз биланоқ телефон орқали онамга:

— Содиқвойни қишлоққа жўнат, — дер эдилар.

Мен ҳам бу гапдан илҳомланиб қишлоққа ошиқардим. Қашқадарёга боришим биланоқ ҳар бир куним янаям қувончли, турли воқеаларга бой ўтарди. Бобом Тошкентдаги янгиликлардан сўрардилар. Мен шошилмасдан сўзлаб берардим. Улар билан ишхоналарига борардик. Уларга маҳалла гузарида ҳам баъзи бир юмушларга кўмаклашардим. Сабаби, бобомнинг ишхоналарига маҳалла аҳли ёрдам сўраб келар эди. Бобом эртага кел, деб бирортасини қайтармаганлар. Ҳар бир кишининг муаммосини жойида ҳал қилиб берар эдилар. Шу сабабми, ҳали ҳануз бобомни жуда илиқ таассуротлар билан эслашади. “Домла бетакрор инсон бўлган эдилар”, деган яхши фикрлар аҳоли оғзида юради. Биз буни эшитиб Бегмамат Бойтурдиевнинг набираси эканлигимиздан ғурурланардик.

Бобомнинг бир гаплари ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди. Ким билан суҳбатлашсанг ҳам “Кўзига қараб гапир, шунда суҳбатдошинг хушёр бўлади”, деган эдилар.

Маҳаллада ишлашнинг ўзига яраша қийинчилиги, масъулияти бўлади. Ҳар хил касбли, турлича феъл-атворли кишилар билан муомалада бўлиш керак. Бобом буни уддасидан чиққанлар.

Маърака бўладими, тўй бўладими барчасида “домла”ни чақирайлик, улардан маслаҳат олиш керак”, дея ўзлари келиб олиб кетишар эди. Бунга ўзим бир неча маротаба гувоҳ бўлганман.

Ҳа, айтгандай, “Домла” деганда мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаганлари сабаб бутун қишлоқ аҳли бобомни “Домла” деб чақиришар эди. Нафақат маҳаллада ишлаш, балки ҳар баҳорда ҳовлисига турли хил мевали дарахтлар, сабзавотлар экардилар. Мана шу сабаб, ҳовлига кирсангиз, табиатни чиройлилигини кўриб кайфиятингиз кўтарилади.

Демак, ҳар бир кунимизга шукроналар айтиб, ўтганлар ҳаққига дуо қилиб, уларни эслаб қўймоғимиз фазилатдир.

Муҳаммадсодиқ ТЎРАЕВ.

ДАРЧА

Камала Ҳаррининг СИЁСИЙ ЙЎЛИ

Маълумки, Америка Қўшма Штатларида ўтган йилнинг 3 ноябрида бўлиб ўтган президентлик сайловларида Дональд Трамп устидан ғолиб чиққан Жо Байден билан биргаликда мамлакат вице-президентлигига 57 ёшли Камала Ҳаррис муносиб деб топилди.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, Камала Ҳаррис — Калифорния штати тарихида округ прокурори ва кейинчалик Калифорния бош прокурори лавозимларига сайланган биринчи қора танли аёлдир. Бундан ташқари, у АҚШнинг биринчи сенатори эди. Энди у мамлакат вице-президентлигидаги илк афро-америкалик ва келиб чиқиши осиёлик биринчи аёл ҳисобланади. Биз қуйида дунё сиёсатида бўй кўрсатган — АҚШ вице-президенти Камала Ҳаррис ҳақида қисқача ҳикоя қиламиз.

Камала Деви Ҳаррис 1964 йилнинг 20 октябрида Калифорния штатининг Окленд шаҳрида туғилган. Унинг онаси Ҳиндистонда туғилган Шьямала Гопалан, отаси эса ямайкалик муҳожир Дональд Ҳаррис бўлиб, улар 1962 йилда Беркли университетида танишган эди. Ўша пайтда Шьямала саратон касаллигини даволаш бўйича диплом ишини ҳимоя қилаётган, Дональд эса иқтисодчи эди. Иккаласи ҳам Америкада барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлари таъминланиши бўйича жадал бораётган ҳаракатнинг фаолларидан бўлиб, турли митинглар ва намойишларда иштирок этишарди. Тез орада ўзаро оила ришталарини боғлаган икки ёшнинг илк фарзанди дунёга келади.

Камаланинг исмини онаси, асли келиб чиқиши ҳинд бўлгани боис, ҳиндча “Нилуфар гули” маъносини берувчи “Камала” деб қўяди. Камаланинг иккинчи исми Деви бўлиб, бу исм ҳам унга Ҳиндистоннинг фаровонлик ва тараққиёт маъбудаси Лакши-деви шарафига қўйилган. Икки йилдан сўнг оилада яна бир қиз фарзанд туғилади. Унга Майя деб исм қўядилар.

Лекин Шьямала ва Дональднинг оилавий иттифоқи узоққа чўзилмаган. Камала етти ёшдалигида ота-онаси ажрашади. Натижада Шьямала иккала мурғак қизларини ёлғиз ўзи тарбиялашга мажбур бўлган. Чунки ўша пайтда Камаланинг синглиси Майя ҳам тўрт ёшга тўлган эди. Уларнинг оиласи Калифорния штатининг асосан афро-америкаликлар яшайдиган камбағал мавзесида истиқомат қиларди. Бироқ 1960 йилларнинг охирида Калифорнияда этник озчиликка мансуб аҳолини бошқаларга “интеграция қилиш” дастури эълон қилинади ва унга кўра, камбағал оилалардаги қора танли болаларни бадавлат оқ танли аҳоли вакиллари яшайдиган ҳудудлардаги мактабларга кўчириш амалиёти жорий этилади. Натижада Камала ҳам шундай мактаблардан бирида ўқий бошлайди. Кейинчалик, ўқитувчилари ва синфдошлари ўшандаёқ Камаланинг ақлий салоҳияти жуда юқори эканини таъкидлашарди.

Шьямала эри билан ажрашгач, қизларини бир неча марта ўзининг ота-онаси яшайдиган Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрига олиб боради. Шунингдек, қизлар отасининг Ямайкадаги оила аъзоларини кўриш учун ҳам бир неча бор бу мамлакатга сафар қилган. Умуман, Камала ва Майянинг тарбиясида онасининг қатъиятли аёл экани муҳим ўрин тутади. Айнан онаси уларга ҳамиша ўта кучли фуқаролик аҳдида туриш ва ҳамиша ўз ҳуқуқларини талаб қилишни ўргатган.

Камала Ҳаррининг ўзи бу ҳақда шундай деб ёзади: *“Онам бизга доим яхши таълим олиш муҳимлигини уқтирган. У бизга тиришқоқликнинг нақадар аҳамиятли эканини тушунтирган. Ҳеч қачон бировлар сизнинг кимлигингизни айтмасин, балки сиз уларга кимлигингизни кўрсатинг, дея таъкидлаган. Волидам бизга орзупараст бўлиб қолманг, балки уларни амалга оширувчи бўлинг, деб уқтирган. Онам бизнинг қалбимизда ҳақиқат албатта ёлғоннинг устидан ғалаба қозонишига нисбатан қатъий ишончни шакллантирган”.*

Камала ўсмир қизлигида ҳиндлар ибодатхонаси ва баптистлар черковига қатнай бошлайди. Бу ҳақда у ўзининг “Биз билан ёнма-ён ҳақиқатлар” номли таржимаи ҳол китобида шундай деб ёзади: *“Онам икки нафар қора танли қизни тарбиялаётганини жуда яхши тушунган. Шунинг учун ҳам бизни ўзига ишонган, мағрур қора танли аёллар бўлиб етишишимизни хоҳлаган”.*

Гарчи Камаланинг онаси қизларини ҳинд анъаналарига ҳурмат руҳида тарбиялаган бўлса-да, оилада барибир Африка анъаналари устун келади. Афтидан бунга онаси Шьямаланинг афро-америкаликлар жамиятларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи тадбирларида жуда кўп қатнашгани ва унинг дўстлари, асосан, шундай инсонлардан иборат экани сабаб бўлгандир...

Камала Ҳаррис Ҳиндистонда яшовчи бобоси ва бувисининг олдига тез-тез бориб турар ва болалик пайтларини шундай деб эслайди: *“Мен ёшлигимда Ҳиндистонга борсам, бобом ўртоқлари билан тонгги сайрга олиб чиқарди ва улар соҳил бўйлаб узоқ суҳбатлашар экан, демократия ва инсон ҳуқуқлари учун курашнинг муҳимлигини таъкидлар эдилар”.*

Дарҳақиқат, Камалага айниқса, бобосининг демократик жамият ва аёлларнинг ҳуқуқлари бўйича қарашлари катта таъсир кўрсатади. У кейинчалик ҳам бобоси билан тез-тез телефон орқали суҳбатлашиб тургани, ундан сиёсат бўйича кўп маслаҳатлар олганини эслаб, *“айнан бобомдан олган сабоқларим менинг бугунги даражага етишимга сабабчи бўлди”*, деб ёзади.

Шьямала Гопалан эри билан ажрашгач, Камала 12 ёшга тўлганда икки қизи билан биргаликда Канадага кўчиб боради. Чунки унга Монреалдаги Макгилл университетида профессор лавозимида ишлаш таклиф этилган эди. Камала Ҳаррининг ўз таржимаи ҳол китобида ёзишича, Монреалдаги пайтида улар яшайдиган уйнинг кириш эшиги олдидаги ўтлоқзорда болаларнинг ўйнашлари маҳаллий маъмурият томонидан тақиқланган эди. У эса синглиси Майя билан ана шу тақиққа қарши биринчи самарали намойишни ўтказади ва мавжуд чеклов ҳақидаги қоиданинг бекор қилинишига эришади.

Камала ва синглиси Монреалда яшаган пайтларида бу шаҳар чеккасидаги Уэстмаунт мавзесида ўрта мактабда ўқийди ва ниҳоят, Монреалда 5 йил яшагач, яна Америкага қайтиб келади.

Шундан сўнг у 1982-1984 йилларда Вашингтондаги “қора танлилар учун тарихий коллежлар” деб аталувчи Горвард университетининг сиёсат ва иқтисод бўйича бакалавр бўлимини тугатади. Сўнгра Калифорниядаги Беркли университетида юриспруденция йўналиши бўйича магистрлик диссертациясини ҳимоя қилади. Шу тариқа, у 1989 йилда юқоридаги университетнинг Ҳастингс коллежини юрист мутахассислиги бўйича тамомлайди.

Шундан сўнг, Камала Ҳаррис 1990 йилда адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи имтиҳонни топширади. Бироқ адвокатликдан кўра, Окленддаги Аламеда мавзесида округ прокуратурасида ишлашни афзал кўради ва 1998 йилгача ўша ерда аввал, прокурор ёрдамчиси, кейин ўринбосари вазифаларида фаолият юритади. У терговда ишлаш жараёнида уюшган жиноятчиликка, гиёҳванд моддалар савдоси ва жинсий зўравонликка қарши шафқатсиз кураш олиб боради. Шунингдек, Сан-Франциско округ прокурори пайтида ўсмирлар ўртасидаги фоҳишабозликка қарши курашга катта эътибор қаратади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар унинг топшириғига кўра, шаҳардаги вояга етмаган фоҳиша қизларга нисбатан жиноятчилар эмас, балки жиноятнинг қурбонлари сифатида қарайди ва уларнинг қўлга тушганларини қамоқхоналар ўрнига, реабилитация марказларига жўнатади.

Камала Ҳаррис шу тариқа мансаб пиллапояларидан кўтарилиб, 2004 йилда Сан-Франциско прокурори даражасига етишади. 2010 йилнинг сўнгида эса Калифорния штати бош прокурори этиб сайланади. У бу жараёнда рақибидан 56,5 фоиз овоз билан устун келади ва бундай даражага эришган биринчи афро-америкалик аёл сифатида эътирофга молик. Камала, шунингдек, синглиси Майя Ҳаррис унинг сиёсий фаолиятида доим кўмакдош бўлиб келаётганини айтади.

Кузатувчилар Камала Ҳаррининг айнан прокурорлик фаолияти уни сиёсат билан шуғулланишига сабабчи бўлганини таъкидлашади. Камала бўлажак демократ сиёсатчи ўлароқ, Демократик партиянинг кескин сўл қарашлари ва консерватив фикрлари ўртасидаги мувозанатни сақлашга ҳаракат қилади. Пировардида, Камала Ҳаррис 2017 йили АҚШ Сенати аъзолигига сайланади. Бу сафар ҳам у илғорлардан бўлди. Яъни, Сенатдаги биринчи ҳинд, иккинчи қора танли аёл сифатида эътироф этилди.

Камала Ҳаррис 2019 йилнинг 21 январида Америка Қўшма Штатлари президенти сайловларида иштирок этишини эълон қилади. У мамлакат жиноят кодекси ва иммиграция тўғрисидаги қонунларини ислоҳ қилиш зарурати ҳақида фикр билдирар экан, йирик корпорациялардан ўзининг сайлов кампанияси учун пул олмасликни ваъда қилади.

Тақдирни қарангки, Камала Ҳаррис сайловолди дебатларида айнан ўзининг яқин дўсти, марҳум Бо Байденнинг отаси Жо Байден билан рўбарў келади. Чунки Жо Байденнинг 2015 йилда саратон хасталигидан вафот этган тўнғич ўғли Бо Байден 2010 йилнинг бошида Делавэр штатининг прокурори бўлиб ишлаган. Камала Ҳаррис эса Калифорния штати прокурори эди. Иш юзасидан яқин ҳамкорликда бўлган бу икки инсон кейинчалик яқин дўстларга айланган ва ҳатто Бо Байден Камала Ҳаррининг Америка Сенатига номзоди қўйилишини шахсан қўллаб-қувватлаган эди. Кейин эса у марҳум дўстининг отасига рақиб сифатида президентлик сайловларида қатнашди.

Пировардида, дўстлик ғалаба қозонди. Камала Ҳаррис 2020 йилнинг 8 мартида ўз сайловолди кампаниясини тўхтатишини эълон қилиб, тарафдорларини Жо Байденнинг номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди. Балки улар ўзаро келишгандир. Буниси бизга маълум эмас.

Америка Қўшма Штатларининг ҳамиша кескин ўтувчи президентлик сайловларида бундан бошқача бўлиши мумкин эмас. Узоққа бормайлик, 2008 йилги праймериз сайловларида бир партия вакиллари Барак Обама ва Ҳиллари Клинтоннинг ўзаро қанчалик қатъий курашганини яхши эслаймиз. Кейин Ҳиллари Клинтон мағлуб бўлди ва Барак Обама президентлик лавозимини эгаллагач, уни Давлат котиби этиб тайинлади. Бу сафар эса Жо Байденга қўл берган Камала Ҳаррис ҳақли равишда Америка Қўшма Штатлари вице-президентлигини эгаллади.

* * *

Энди мухтасар АҚШнинг биринчи аёл вице-президенти Камала Ҳаррининг шахсий ҳаёти ҳақида:

Камала Ҳаррис 1994 йилда Калифорния штатининг Қонунчилик кенгаши спикери Уилли Браун билан танишади. Бу пайтда Уилли 60 ёшда, Камала эса 30 ёшда эди. Шунга қарамай улар биргаликда жамоатчилик олдида кўриниш беришни бошлайди. Орадан бир йилдан кўпроқ вақт ўтиб, Браун Сан-Франциско мэри этиб сайланади. Бироқ иккаласининг оилавий ҳаётдаги истиқболини кўришга кўзи етмаган Ҳаррис у билан ажрашади. 1996-2004 йилларда мэр бўлиб ишлаган Уилли Браун бугунги кунда қарийб тўқсон йиллик умр давонига яқинлашмоқда. Уларнинг кейинги муносабатлари ҳақида оммавий ахборот воситаларида маълумот учрамайди ҳисоб.

Камала Ҳаррис ҳозир турмуш ўртоғи, ҳуқуқшунос Дуглас Крейг Эмхофф билан бирга ҳаёт кечирябти. Улар 2014 йилда турмуш қурган. Ўз фарзанди бўлмаган Камала эрининг иккита боласига ўгай она ҳисобланади. Бу ҳақда унинг ўзи “Элле” журналига берган интервьюсида Эмхоффнинг болалари Коул ва Элла уни “ўгай она” эмас, балки “ойижон” деб чақиришларини айтган.

Асли келиб чиқиши яҳудий Эмхофф кўнгилочар соҳалар саноатида юрист бўлиб ишлаш билан биргаликда Жоржтаун университетининг фахрий профессори ҳам ҳисобланади. У ҳозирда “ДЛА Пайпер” деб номланган Халқаро юридик фирманинг йирик ҳамкоридир.

Шуни айтиш керакки, Камала Ҳаррис АҚШ вице-президентлигига номзодини қўйган энг бой инсон саналади. Унинг хусусий жамғармаси 6 миллион 300 минг долларни ташкил қилади. Бу маблағ унинг ўтган йилги молиявий ҳисоботида кўрсатилган. Ҳаррис шахсий бойлиги миқдори бўйича ҳатто президент Байдендан ҳам бадавлатроқдир. Байденнинг хусусий капитали 2 миллион 700 минг доллар эканини президентликка номзодини қўйишдан олдин топширган молиявий ҳисоботида акс этган. Албатта, ҳисоботда кўрсатилган бойликка уларнинг барча мол-мулки ва банклардаги ҳисоб жамғармаларидаги пуллари ҳам киради. Камала Ҳаррис бойлигининг катта қисми унинг эри Дуглас Эмхоффнинг номига расмийлаштирилган. Ҳаррининг ўз номида эса фақат 1,7 миллион долларлик маблағи кўрсатилган, холос.

“Нью-Йорк Таймс” газетасининг таҳлилига кўра, 2018 йилда Ҳаррис ва турмуш ўртоғининг умумий даромади 1,9 миллион долларни ташкил қилган. Улар бу маблағнинг 37 фоизини солиққа тўлаган. Ҳаррининг ўзи 2019 йилда китоб ноширчилигидан аванс сифатида 277 763 доллар даромад олганини қайд этган. Камала Ҳаррининг АҚШ вице-президентлигига номзоди қўйилар экан, албатта, бунда унинг наслий келиб чиқиши, ҳуқуқшунослиги ва сиёсий дастури муҳим аҳамият касб этди. Америкалик миллионлаб оддий сайловчилар ўзларининг орзулари рўёбга чиқишига, кундалик турмуш тарзи ўзгаришига, жамиятда адолат устуворлиги таъминланишига ишонганликлари учун ҳам айнан унинг номзодини ёқлаб овоз беришган.

Шуни қайд этиш керакки, вице-президент Америка Қўшма Штатларида лавозим бўйича иккинчи шахс ҳисобланади. Гарчи унинг ваколатлари унчалик кўп бўлмаса-да, энг муҳим конституцион вазифаси – амалдаги президент вафот этса, лавозимидан кетказилса (импичмент орқали) ёки бошқа сабаб билан лавозимидан кетса, унинг ўрнини эгаллайди. Америка тарихида шу пайтгача 48 нафар вице-президент ўтган. Шулардан 8 нафари амалдаги президентнинг ўлимидан сўнг Президентга айланган.

Шундай қилиб, Камала Ҳаррис бу мамлакатнинг 49-вице-президентидир.

1920 йилда америкалик аёллар овоз бериш ҳуқуқини қўлга киритган. Ўшанда улар намойишга чиққанларида ўз ҳаракатларининг ранги сифатида оқ рангни танлаган эди. Камала Ҳаррис ҳам ўтган йилги сайловларда вице-президентлик лавозимида ғолиб чиққач, жамоатчиликнинг олдида оқ либосда кўриниш берди ва қуйидаги сўзларни айтди: “Мен АҚШда бу лавозимни эгаллаган биринчи аёлман, аммо охиргиси бўлмайман. Чунки бугун юртимиздаги ҳар бир ёш қизалоқ бизга қараб, Америка Қўшма Штатлари – имкониятлар мамлакати эканини билади”.

Ҳаррис хоним ўзини ҳар доим “америкалик” сифатида таништиради ва бундан ғурурланишини айтади. У 2019 йилда “Вашингтон пост” газетасига берган интервьюсида сиёсатчилар терисининг ранги ёки келиб чиқишига қараб лавозимга ўтирмасликлари кераклигини таъкидлаб, “Менинг фикрим шуки: мен ким бўлсам, ўшаман. Шунга қуникканман. Сиз буни тушунишингиз лозим, мен бундан қисилмайман”, деган эди.

Ҳа, АҚШнинг янги вице-президенти Камала Ҳаррис ана шундай мағрур, дангал, очиққўнгил ва шу билан биргаликда қатъиятли аёлларданди.

Алишер ШОЙИМОВ,
журналист.

ЖАҲОНДА

МУЗЛАТИЛГАН УРУШ

Бир ҳафтадан буён Исроил ва Фаластин ўртасидаги зиддият пасайгани йўқ. Фаластин давлатини барпо этиш режаси янги эмас: 1947 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тегишли резолюцияни қабул қилганди. Бунинг ортидан Исроил ва араб давлатлари ўртасида бир қатор урушлар бўлиб ўтди. Йиллар давомида музлатиб қўйилган уруш янада кучайди.

Шарқий Қуддусдаги фаластинликларни уйларидан ҳайдаб чиқариш Исроил судининг қарори асосида бошланган. Бу уйлар Исроил томонидан босиб олинган ерларда жойлашгани туфайли арабларда уйларининг тегишли ҳужжати йўқ эди. Кейин Маъбад тоғида ва Ал-Ақсо масжидида тўқнашувлар бошланди.

Фаластин ва Исроилда отилган снарядлар мана бир неча кундирки, яна осмонни титратди. Ғазо секторидаги Қатар Қизил ярим ой филиали Исроил томонидан бомбардимон қилинди. 2 киши ҳалок бўлди, 10 га яқин одам жароҳат олди. Бундан ташқари, минтақадаги асосий коронавирусга қарши илмий лабораторияси ўқ отилиши сабабли фаолиятини тўхтатди. Исроил ҳаво ҳужумлари тактикасини давом эттирмоқда. Ўз навбатида, ХАМАС фаоллари 16 май куни яҳудий давлатининг жанубий ҳудудларига ўнлаб бошқарилмайдиган снарядларни отишди. Уларнинг аксарияти мудофаа тизими томонидан уриб туширилган, баъзилари турар-жой биноларини вайрон қилган.

СЎЗ ЭРКИНЛИГИ УЧУН 50 МИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ

АҚШ Давлат департаменти Қирғизистонда “Сўз эркинлиги ва мустақил оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш” дастурини молиялаштириш учун маблағ ажратади.

Грант доирасида АҚШ иштирокчиларга 10 дан 50 минг долларгача пул мукофоти тақдим этиши мумкин. Қирғизистонда ҳар қандай мустақил оммавий ахборот воситалари, шунингдек, нотижорат ташкилотлар маблағ олиш учун ариза беришлари мумкин.

Таъкидланишича, грант дастурлари мамлакатда эркин ва мустақил журналистикани ривожлантиришга қаратилган. Улар мустақил ва холис хабар тарқатиш бўйича Қирғизистон оммавий ахборот воситаларининг “салоҳияти ва барқарорлигини” ошириши керак. Давлат департаментининг таъкидлашича, Қирғизистоннинг медиа хизматлари минтақадаги “энг очиқ”и ҳисобланади.

ЯПОНЛАР ИМЗОСИ

Олимпиада ўйинларига қарши

Япония шу кунларда тўртинчи коронавирус тўлқинини бошдан кечирмоқда. Сўровларга кўра, мамлакат аҳолиси Олимпия ўйинларини бекор қилиш тўғрисида имзо йиғишни бошлади. Сўров натижаларига кўра, аҳолининг 80 фоиздан ортиғи Олимпиада ўйинларини бекор қилиш ёки кейинроққа қолдиришни маъқулламоқда. Аҳолининг атиги 14 фоизи спорт мусобақасини кутмоқда.

Япония адвокатлар ассоциациясининг собиқ раҳбари Кензи Уцуномия Олимпиадани бекор қилиш тўғрисидаги петиция муаллифи бўлиб, 9 кун ичида нафақат японлар, балки 130 дан ортиқ бошқа мамлакат аҳолисидан ҳам 350 мингдан ортиқ имзо тўплашга муваффақ бўлди.

ПЕНТАГОННИНГ МАХФИЙ АРМИЯСИ

“Newsweek” журналининг хабар беришича, Пентагон сўнгги 10 йил ичида 60 мингга яқин кишидан иборат махфий армия тузган. Ушбу махфий бўлинмалар нафақат чет элда, балки Қўшма Штатларнинг ўзида ҳам ҳаракат қилади.

Армияни қўллаб-қувватлаш учун 130 та компания фаолият олиб бормоқда. Улар сохта ҳужжатларни тайёрлайдилар ва махфий равишда етказиб беришни таъминлайдилар. Яширин бўлинмаларнинг муҳим қисми хакерлик ҳужумларини амалга оширишда иштирок этадиган кибер жангчилар ҳисобланади. Буларнинг барчаси Америка Конституцияси ва қонунларига қай даражада мос келиши ўйга толдиради.

“БАЙДЕН ТАРИХНИ ҚОНЛИ ҚЎЛЛАРИ БИЛАН ЁЗМОҚДА”, —

деди Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўған

Туркия президенти Ражаб Тоййиб Эрдўған Американинг Исроил кучларини қўллаб-қувватлашини қоралади. Бу ҳақда “Hürriyet Daily News” газетаси ёзди.

Туркия раҳбари Фаластин халқи кўп йиллар давомида тақиқ ва таъқиблардан азият чекаётганини эслаб ўтди. “Бугун биз Байденнинг Исроилга қурол сотиш бўйича имзосини кўрдик”, деди Эрдўған. Унинг сўзларига кўра, Америка президенти “тарихни қонли қўллари билан ёзаяпти”.

Фаластин билан зиддият кучайиб бораётган бир пайтда АҚШ Исроилга 735 миллион долларлик қурол сотгани маълум бўлди. Сўнгги маълумотларга кўра, Фаластин-Исроил можароси авж ола бошлаганидан бери ўнта исроиллик ва Ғазо секторининг 220 нафар аҳолиси ўлдирилган.

ИСПАНИЯ СОҲИЛЛАРИДА ...

бус-бутун топилган қадимги Рим ҳаммоми

Испаниялик Кадис археологлари томонидан ноёб топилма: машҳур Трафалгардан унча узоқ бўлмаган жойда қадимги Рим ҳаммомлари бус-бутун ҳолатда топилган. Ушбу бино совуқ ва иссиқ сув таъминоти, иссиқ поллар, икки минг йилликда умуман ўчиб кетмаган нақшлар каби қадимий технологияларнинг энг юқори муваффақиятларини ўзида мужассам этган.

Архитектура хазиналари бўлган қумтепалик айнан пиёда йўли остида жойлашган бўлиб, сайёҳлар бу йўлдан чўмилиш хавзасига етиб келишган.

Интернет тармоғи хабарлари асосида Г.МАТЁҚУБОВА тайёрлади.

УМР ЙЎЛЛАРИ

КАСБГА САДОҚАТ

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Бирга ишлаган ҳамкасбингиз ҳақида кўп нарсани биламан деб ўйлайсиз. Аммо вақти келиб у инсон ҳақида бирор нарса ёзмоқчи бўлсангиз, гапни нимадан бошлашни билмай қоласиз...

Чунки, “Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ” деганларидек, ҳамма вақт ҳам ёнингда юрган одамлар ҳақида дилингдаги илиқ сўзларни айтавермайсан, эътибор қилавермайсан. Шунинг учун қадрдон ҳамкасбларимиздан бири, аллақачон устозлик мақомидаги инсон — Алиназар Эгамназаров ҳаётий йўли ҳақида ҳам сўз айтмоқ бўлиб, “гапни нимадан бошласам экан”, дея бироз тараддудланиб қолганимиз рост.

Алиназар Эгамназаровнинг акаси туман газетасининг бош муҳаррири эди. 14 ёшли ўспириннинг газетчиликка ҳаваси ўшанда уйғонганди. Аввалига мактаб ҳаёти, Хонобод қишлоғидаги айрим янгиликларни қоғозга туширириб, акасига кўрсатарди. Акаси эса ундаги қизиқишни рағбатлантирмоқчи бўлди ва бир-иккита мақоласини газетада чоп эттирди. Шунда бутун мактаб, Хонобод қишлоғи аҳли унга қойил қолгандек эди. Бора-бора ундаги қизиқиш мақсадга айланди. Қунт билан ўқигани боис мактабни муваффақиятли тугатиб, ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультети талабаси бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги номдор журналистлардан бири, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Меҳнат шуҳрати” ва “Эл-юрт ҳурмати” орденлари соҳиби Алиназар Эгамназаровнинг журналистика соҳасидаги меҳнат фаолияти ана шундай бошланган эди.

— Университетни тамомлаган йилим йўлланма билан Сирдарё вилояти, “Сирдарё ҳақиқати” газетасига ишга борганман, — деб хотирлайди Алиназар ака. — Вилоятга жўнаб кетишим олдидан акамнинг бир оғиз айтган гапи дил-дилимга муҳрланиб қолган. “Тўғри юрсанг, узоққа борасан”, деганди акам. Бу ўгитга ҳали-ҳануз амал қилиб келаман. Бу газетада ишлаганим менинг бахтим бўлганини кейинчалик ўзим ҳам ҳис қилдим. Ўша кезлар таниқли шоир Акмал Пўлат бош муҳаррир, яна бир катта шоиримиз Султон Акбарий муҳаррир ўринбосари эди. Акмал аканинг ташкилотчилигига қойил қолганман. Газетанинг нуфузи ошишида у кишининг хизмати беқиёс эди. Кейинчалик газетага Исмоил Сулаймонов бош муҳаррир, Нўъмон Насимов ўринбосар этиб тайинланди. Исмоил ака тўғрисўз, ҳалол киши эди. У журналистикани касбга айлантириб олманглар, журналист кўрпачада чордона қуриб ўтирадиган одам эмас. Бир жойда ўтириб қолманглар. Халқни ичига киринглар. Одамлар сизларга ишониб, бировга айтмаган дардини айта олса, ҳақиқий журналист ҳисобланасизлар, дерди.

Нўъмон Насимов эса менинг тортинчоқлигимни кўриб, кўп марта насиҳат қилганлари ёдимда:

— Алиназар, — дерди у киши. — Ҳадеб тортинчоқлик қилаверманг. Сизни билмайдиган одам бизни назарга илмаяпти деб ўйлаши мумкин, — дерди у киши куйиниб. Шу тортинчоқлигим туфайли уч-тўрт бор панд еган пайтларим ҳам бўлган, — дейди устоз жилмайганча.

“Сирдарё ҳақиқати” газетасидаги тўрт йиллик ижодий фаолият унинг қалами чархланишида асосий омил бўлди. Сирдарёни қадамба-қадам кезиб чиқди. Миришкор деҳқонлар билан тонготар гурунглар қилди. Энг асосийси, ёзаётган объектини мукаммал ўрганганлигини қўлига қалам олди. Кейинчалик Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов тавсияси билан “Тошкент оқшоми” газетасига ишга ўтганида сирдарёлик устозларнинг мактабини ўтагани жудаям асқотди. Ҳатто ўша пайтдаги газета бош муҳаррири Саъдулла Караматов бундай тайёр журналист газетага доим ҳам келавермайди, деб эътироф этган эди. Мазкур газетадаги ўн тўққиз йиллик ижодий жараён туфайли долзарб мавзудаги кўплаб мақола ва очерклари дунё юзини кўрди.

1987 йилнинг ўрталарида ўша пайтлардаги “Шарқ юлдузи” журнали бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов журналнинг публицистика бўлими фаолиятини кучайтириш мақсадида Алиназар Эгамназаров номзодини маъқуллади. Узоқ йиллик ҳамкорлик жараёнида ҳамкасбининг ҳалоллиги, масъулиятни чуқур ҳис қилиши, касбга садоқатига кўп гувоҳ бўлган адибимиз бу шарафли вазифани ҳеч иккиланмай унга топширишга қарор қилди.

Журналдаги ўн йиллик фаолияти давомида ёзган қатағон қурбонларининг фожиали ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи “Сургун” очерклар тўплами, Антонина Хлебушкина раҳбарлигидаги Болалар уйи ҳақида “Азиз даргоҳ” қиссаси, миллий қадриятларга доир “Дўппидаги доғ” эссеси, иккинчи жаҳон урушида беш фарзандидан айрилган Зулфия ая Зокирова ҳақидаги “Беш жангчининг онаси” каби очерк ва мақолалари ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Пойтахтдаги Республика Марказий давлат архиви, Москвадаги ҳарбий-тарихий архивда олиб борган изланишлари натижасида дунёга келган “Сиз билган Дукчи Эшон” ҳужжатли қиссаси минглаб ўқувчиларнинг қалбини ларзага солгани ҳам ҳақиқат. Миллат фидойиси бўлган Дукчи эшон фожиасидан таъсирланган ўқувчилар таҳририятни хатга кўмиб ташлашганди. Журналда бирга ишлаганимиз боис муаллифни биринчилар қатори қутлаганмиз.

Катта меҳнат ва фидойилик самараси ўлароқ дунёга келган бу қимматли асар ҳақидаги фикр алмашувлар чоғи ижодкорнинг айтган сўзлари кечагидай ёдимда.

— Одамларимиз аждодларининг мардлигини билиши керак ва фахрланиши лозим. Камтарона хизматимга мухлислар эътибори менга куч бағишлади, — деганди ака миннатдорлигини яширмай. — Айниқса, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бу асар ҳақида “Ҳурматли Алиназар Эгамназаровнинг “Сиз билган Дукчи Эшон” китобини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ёшлигимиздан буён эшитиб юрган узуқ-юлуқ ҳикоялар таъсириданми, Дукчи Эшон ҳақида бирор нарса билишга кўпдан қизиқишимизга қарамай, бир илмий нарса топиб ўқишга муяссар бўлиш қийин эди...

Мана, энди биродаримиз Алиназар Эгамназаровнинг чин дилдан тер тўкиб қилган меҳнатлари самараси ўлароқ, ажойиб ҳужжатли бир асар дунёга келибди. Ҳа, “Сиз билган Дукчи Эшон” китоби аниқ далил ва ҳужжатлар асосида қўшиб-чатимай ёзилган илмий асар. Унда ҳеч қандай бадиий олиб қочишлар, бўртиришлар йўқ. Ҳамма нарса соф илмий асосда, ашёвий далиллар ва архив ҳужжатлари билан исботланган. Китобда асарнинг бош қаҳрамони Дукчи Эшон — Муҳаммадали Эшон Собир ўғли раҳматиллоҳи алайҳининг таржимаи ҳоллари, ижтимоий келиб чиқишлари, миллий озодлик йўлидаги жиҳодлари катта аниқлик билан ёритилган”, — дея чиройли фикрлар билдириб, дуолар қилганларини эшитганимда бошимиз кўкка етган, — дейди Алиназар ака.

— Болалигим ўтган қишлоғимиздаги Зулфия аянинг жасорати ҳақида кексалардан хилма-хил ҳикояларни кўп эшитган эдим. Ниятим катта бир очерк ёзиш эди. Ая ҳақида ёзиш олдидан узоқ йиллар тайёргарлик кўрдим. Ниҳоят, орзуим амалга ошди. 1989 йили Зангиота тумани, Хонобод қишлоғилик Зулфия аянинг беш фарзанди Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлгани ҳақида “Беш жангчининг онаси” номли очерким чоп этилди. Бу матонатли аёл тоғлар ҳам кўтаролмайдиган ғам-ғуссани мардонавор енгиб, набираларини оёққа қўйгани ҳақида ҳикоя қилгандим. Шу очерк туфайли ая яшаган маҳалла ва Хонободдаги мактабга у кишининг номи берилганди. Афсуски, кейинчалик негадир унинг номи олиб ташланди...

2018 йилда Президентимизнинг Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага Ўзбекистон халқи қўшган ҳисса ҳақида китоб-альбом тайёрлаш тўғрисида фармойиши эълон қилинди. Оммавий ахборот воситаларида Иккинчи жаҳон уруши ҳақидаги мақола ва очерклар кетма-кет эълон қилина бошланди. Жумладан, Алиназар акага ҳам “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси муҳаррири қўнғироқ қилиб Зулфия ая ҳақида яна ёзишни сўради. Ижодкор у аёл ва болалари хотирасини абадийлаштириш ҳақида янги мақоласи тайёрлигини айтди ва таҳририятга етказди. Мамлакатимизда бошланган хайрли ҳаракат туфайли уруш йиллари жангда қатнашган ўзбек ўғлонлари сони олдин айтилганидан кўпроқ, ҳар уч кишидан биттаси жангоҳларда бўлганидан хабардор бўлдик. Фронт орти меҳнаткашлари ҳам жангчилардан кам жасорат кўрсатмаган экан. Бу фармойиш яна кўплаб тарихий воқеаларни жонлантиришга сабаб бўлди.

Яна бир қизиқ воқеа. Ўша йили Ўзбекистон делегацияси сафида Беларусь давлатида бўлган Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид у ерда Иккинчи жаҳон урушида беш фарзандидан айрилган аёл – Анастация Купрянова ва унинг беш фарзанди хотирасига ўрнатилган маҳобатли ҳайкални кўриб, шу заҳотиёқ “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси бош муҳарририга қўнғироқ қилиб, Зулфия ая ва унинг фарзандлари ҳақида мақола тайёрлашни тайинлабди. Муҳаррир янги мақола аллақачон столи устида эканлигини айтибди. Ҳассос шоиримиз мен боргунча чоп этмай туринг, унга қўшимча қиладиган, бойитадиган нарсалар бор, дебди.

Ўз навбатида иккинчи мақола ҳам ўқувчиларни бефарқ қолдирмади.

— Иккинчи жаҳон урушида дунё бўйича 55 миллион киши қурбон бўлган экан, – дейди қаҳрамонимиз ўкинч билан. — Машъум уруш тарихида бир оиладан беш нафар фарзанди ҳалок бўлган учта оила бор экан. АҚШнинг Айова штатидаги Том ва Алетта Селливанлар оиласи, Беларусдаги Анастация Купрянова оиласи, Ўзбекистонда эса Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Хонобод қишлоғилик Зулфия ая Зокирова оиласи мана шундай оғир жудоликка учраган.

Юқоридаги икки давлатда у оилаларга алоҳида эҳтиром кўрсатилганди. Мана, мамлакатимизда ҳам давлатимиз раҳбарининг эътибори билан тарихий адолат тантана қилди. Пойтахтимиздаги янги барпо этилган “Ғалаба боғи”да Зулфия ая Зокирова ва унинг келинлари, набираларининг муҳташам ҳайкали қад ростлади.

— Ўз навбатида беғараз саъй-ҳаракатингиз мевасини ўзингиз ҳам кўрдингиз. Давлатимизнинг юксак сийлови — “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирландингиз, — дедим у кишини яна бир бор табриклаб.

— Ўтган йилнинг 29 август куни ҳаётимдаги чароғон кунлардан бирига айланди, — деди адиб фахр билан. — Кўксаройда давлат раҳбарининг қабулида бўлдик. Мен биринчи қаторда эдим. Сира ёдимдан чиқмайди. Тақдирлаш маросимидан сўнг Президентимиз олдинги қатордагиларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб, ҳол-аҳвол сўрадилар. У кишининг: “Сиз ажойиб инсонсиз. Қаридим деманг. Янаям кўпроқ ёзинг. Мен ёзганларингизни кузатиб бораман”, деганларида жуда ҳаяжонланиб кетдим. Ўзингиз ҳам журналистсиз. Гоҳида танишлардан бирортаси фалон газетада мақолангизни ўқидим, деса ижодкор нечоғли севиниб кетишини яхши биласиз. Давлат раҳбарининг эътирофини эшитган ижодкорнинг ҳолатини энди тасаввур қилаверинг. Назаримда бир неча ўн йилларга ёшариб кетгандек бўлдим. Ишонсангиз ўша рағбатдан сўнг анча вақтлардан буён ўйлаб юрган ишларимни жадал бошлаб юбордим.

Алиназар ака ҳақида ёзмоқчи бўлганимда “Шарқ юлдузи”да бирга ишлаган чоғларимиз магнит лентасидай бир-бир кўз олдимдан ўтди. Гавдали, қошлари қалин киши столга муккасидан тушганича навбатдаги мақолани қоғозга туширяпти. Гоҳо юзида табассум, баъзан ўйчанлик зуҳр бўлади. Ёзганидан кўнгли тўлгач, қўлларини бир-бирига ишқалаганча жилмайиб қўяди. Яна у кишининг дўстларга садоқати кўз олдимда намоён бўлади. Бирон бир ўртоғи, ёки курсдоши ҳақида шундай тўлиб-тошиб ҳикоя қилардики, танимаган одамингизни сиз ҳам яхши кўриб қолганингизни сезмай қолардингиз. Беихтиёр журналистиканинг нонини емоқчи бўлган ёшларга мана шундай устозлар ибратнинг юксак намунаси эканидан кўнглингиз тўлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмаси аъзоси, таниқли ижодкор Алиназар Эгамназаров шу кунларда саксон ёшини қаршиламоқда. Аммо устоз белни маҳкам боғлаб яна ижод оламига шўнғиган. Ҳар доимгидек у кишидан маънавиятимиз оламини бойитадиган гўзал асарлар кутиб қоламиз.

Юсуф АБДУЛЛАЕВ.

ТАЪЛИМ

11 ёшли ўқувчи халқаро сертификат соҳиби

Навоий шаҳридаги умумий ўрта таълим мактабларида хорижий фанларни ўқитиш ва ўргатишда 330 нафар ўқитувчи фаолият юритаяпти. Уларнинг 325 нафари инглиз тили фани ўқитувчиларидир.

— Шаҳримиздаги 12 нафар ўқитувчи халқаро “IELTS”, “test DAF”, “Aptis for teachers” каби халқаро сертификатларни, 51 нафар ўқитувчи эса “CEFR” сертификатини қўлга киритган, — дейди Навоий шаҳар халқ таълими бўлими мудири Раъно Ҳайитова. — Бундан ташқари, яқинда 11-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчилари Вазира Азимова ва Аҳад Аҳмедовлар Буюк Британиянинг нуфузли олий таълим муассасаларида малака ошириб келишди. Албатта, педагогларимизнинг бу каби ютуқлари ўқувчиларимизнинг чет тилини мукаммал ўрганишларида муҳим асос бўлиб хизмат қилади.

Айтиш мумкинки, жорий ўқув йилида Навоий шаҳар мактабларида таълим олаётган 103 нафар ўқувчи хорижий тиллар бўйича халқаро сертификатларни қўлга киритгани бежиз эмас, албатта. Айниқса, мамлакатимизда биринчилардан бўлиб Навоий шаҳар 2-умумтаълим мактабининг 5-синф ўқувчиси Анора Арзиева инглиз тилидан “IELTS” бўйича имтиҳон топшириб, 11 ёшида 6 баллик натижага эришди ва энг ёш халқаро сертификат соҳибига айланди.

Шунингдек, 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб, шаҳардаги 8-умумий ўрта таълим мактабида япон тилига, 5-умумий ўрта таълим мактабида эса хитой тилига ихтисослаштирилган синфлар ташкил этилди.

Отабек АСЛОНОВ.

Реклама

Бой бўлишнинг 3 та энг осон усули!

TURON BANK

Муваффақиятга эришган омадли инсонларнинг ўз қоидалари, қадриятлари ва албатта сирлари бўлади. Айниқса, шахсий сармояларини тез ва хавфсиз кўпайтириш борасида уларнинг фикрлари жуда муҳим ҳисобланади. Бугун биз ҳам сизларга қандай қилиб бой бўлишнинг, мўмай даромад олишнинг 3 та осон ва қулай усули ҳақида айтмоқчимиз.

Бу Туронбанк таклиф этаётган бир – биридан жозибадор омонатлардир. Сиздан талаб этиладигани фақатгина маблағингизни жойлаштириш холос, ҳаттоки бу ишни уйдан чиқмаган ҳолда MyTuron иловаси орқали амалга оширишингиз ҳам мумкин.

Хуллас, биринчи усул ҳашаматни хуш кўрувчилар учун!

“Омадли Бонус” омонати

Муддати: **1 йил**
Фоизи: **20%**
Бошланғич бадал миқдори: **10 млн. сўм.**
Қўшимча маблағ киритиш: **500 минг сўмдан.**
Ушбу омонатга маблағ жойлашингиз билан сиз шу заҳоти ютуқли акция иштирокчисига айланасиз. Яъни, Random.org дастури орқали тасодифий танлов асосида ғолиблар аниқланганда — омадингиз келса, дастлаб топширган пулларингиз миқдорида яна шунча маблағ сизга тақдим этилади.

Иккинчи усул.

Ҳаётида кутилмаган воқеаларга кўп дуч келадиган инсонлар учун **“Имконият плюс” омонати**
Бу ҳам энг тўғри танлов!
Муддати: **12 ой.**
Бошланғич бадал миқдори: **чекланмаган.**
Қўшимча маблағ киритиш: **500 минг сўм.**
Йиллик фоиз омонат сақлаш муддатига боғлиқ:
— тўлиқ 1 ойдан 3 ойгача: 17%;
— тўлиқ 3 ойдан 6 ойгача: 18 %;
— тўлиқ 6 ойдан 12 ойгача: 19%;
— тўлиқ муддат сақланган омонатлар учун: 20%.
Бошқа жойларда вақтидан аввал олган омонатингиз учун фоизлар куйиб кетиш хавфи мавжуд, Туронбанк билан эса истаган вақтингизда пулларингизни қайтариб олишингиз мумкин яна юқори фоизларда.

Учинчи усул.

“Unique” хорижий валютадаги омонати
Омонат муддати: **12 ой.**
Тўлиқ сақланган 6 ой учун: 4,5%
Тўлиқ сақланган 12 ой учун: 5%
Қўшимча маблағ киритиш: $100
Бошланғич бадал миқдори: **чекланмаган**
Фоизлар ойма-ой тўлаб берилади.
Омонатни онлайн расмийлаштириш мумкин.

Ўзингизга мос омонатни ва албатта ўзингизга мос банкни танланг!

Қўшимча маълумотлар учун:
Сайт: turonbank.uz
Telegram: t.me/turonbankuz
Facebook: fb.com/turonbank
Instagram: @turonbank
YouTube: TuronBank Media

Хизматлар лицензияланган.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

ШЕЪРИЯТ

Уйғоқ дил самосин ботмас моҳи бор...

Муаллиф ҳақида: Маҳмуд Тоир – 1952 йил, 31 августда Тошкент вилоятининг Паркент туманида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг филология факультетини (1977-й.) тугатган. Собиқ "Ёш гвардия" (ҳозирги "Янги аср авлоди") нашриётида, Республика радиосида, "Паркент тонги" газетасида мухаррир бўлиб ишлаган. 1999 йилдан эътиборан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раҳбари ва айни пайтда "Адабиёт зиёси" газетаси бош мухаррири сифатида фаолият юритмоқда.

Унинг "Айт энди юрагим", "Биз нечун учрашдик?", "Ҳақни таниб", "Мендан мени сўрама", "Аҳли муҳаббат қайдасиз", "Бедорларга беринг дунёни", "Сайланма", "Европа саёҳати: ҳайрат ва шукроналик", "Янгиланаётган Ўзбекистон", "Уйғоқ дил" каби йигирмадан зиёд шеърий ва насрий китоблари, бир қанча достонлари чоп этилган. Юзлаб шеърлари халқимизнинг ардоқли ҳофизлари, санъаткорлар томонидан куйлаб келинади.

Маҳмуд Тоир 2000 йилда "Меҳнат шуҳрати" ордени, 2005 йилда "Ўзбекистон халқ шоири" унвони ва 2017 йилда "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланган. Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ЛОЛАЛАРИ

Ўзбекистон лолаларнинг,
Ловуллаган Ватанидир.
Ўзбекистон лолаларнинг,
Ял-ял ёнган чаманидир.

Ким билади, ким билмайди,
Бизда не тур, шонаси бор.
Ўттиз тўрт тур лолаларнинг,
Ўттиз тўрт хил донаси бор.

Ўзбекистон гул диёрдир,
Ҳар бир кўзни қамаштирган.
Ўзбекистон ҳур диёрдир,
Дилни дилга туташтирган.

Деҳқонининг кетмонида,
Қуёш нури жилоланган.
Боғбонининг забонида,
Дуо дури зилоланган.

Голландия лолаларнинг,
Ватани деб айтишади.
Лек Голландлар бизга келса,
Лола олиб қайтишади.

Ўзбекистон лолалари,
Кўзингизнинг оромидир.
Ўзбекистон лолалари,
Бу — баҳорнинг саломидир.

ШУ ВАТАН ДЕБ...

Ҳар кимда бор Ҳақ берган имкон,
Яшагани туғилар инсон.
Ким оилада, ким элда султон,
Айтгим келди бир яхши тилак,
Ватанпарвар Ватанда керак!

Ёруғ дунё юзингда бўлсин,
Тийраклигинг кўзингда бўлсин.
Аҳду вафо ўзингда бўлсин,
Тўкилганга жоиздир тўлмак,
Ватанпарвар Ватанда керак!

Умр берсин, юз йил яшагин,
Юз ёшда ҳам ризқинг ошагин,
Тупроғингга меҳринг тўшагин,
Дарё бўлгин, кўлмак кўп, кўлмак,
Ватанпарвар Ватанда керак!

Аҳди улуғ аждодинг бўлган,
Тахти улуғ аждодинг бўлган,
Хиёнаткор ҳузурсиз ўлган,
Белни букмас бардошли билак,
Ватанпарвар Ватанда керак!

Умр қисқа, Ватан мангудир,
Ватансизлик мангу қайғудир.
Эл мардлари – элга орзудир,
Тил нияти — дилга муштарак,
Ватанпарвар Ватанда керак!

Амир Темур шони сендадир,
Мангуберди қони сендадир,
Ўзбекистон жони сендадир,
Шу Ватан деб урсин ҳар юрак,
Ватанпарвар Ватанда керак!

БЎЛСА АГАР МЕН УҚМАГАН...

Юрагимда гуллаган гуллар,
Капалакка қанот бўлади.
Ишқим оҳи таратган унлар,
Булбулларга баёт бўлади.

Майсаларнинг бўйига боқиб,
Теракларга келар бўйлагим.
Ирмоқларга эргашиб оқиб,
Мен тошларга эртак сўйладим.

Ошиқларнинг осмони бўлак,
Бунда қушлар қанотсиз учар.
Дийдор тилаб жўшганда юрак,
Ўтда куймас, қуёшни қучар.

Лолазорлар ёнган ёноқда,
Йўлларимга ранглар сочади.
Турфа гуллар, турфа титроқда,
Боларига дудоқ очади.

Капалакнинг қанотларида,
Нафисликнинг қанча юки бор,
Шоирларнинг баётларида,
Не-не ҳавас, не-не ифтихор.

Гўзалликнинг кўзга сиғмаган,
Кўзгусига солдим ўзимни.
Бўлса агар мени уқмаган,
Шеърдан таниб олар ўзимни.

БИР ТАБАССУМ

Гул юзида кулган шабнам ёноғингиз,
Гул бўлай деб турган ғунча – дудоғингиз.
Қошларингиз қалдирғочни қаритгайдир,
Бир ўтинч бор, очилса бас, қабоғингиз.

Кулгичингиз нигоҳимни тилиб кетар,
Кулгичингиз нечун мендан кулиб кетар.
Не бўлса ҳам майли, гулим, кулиб юринг.
Сиз кулсангиз олам нурга тўлиб кетар.

Табассумлар сизга гулдай ярашгайдир,
Сиздек гулга гуллар масрур қарашгайдир.
Гул терганда сочилмашдир сочларингиз,
Не ифорки, уни гуллар талашгайдир.

Сиз кулсангиз, тонг жилмайиб барвақт отар,
Қон бўлмайди, қуёш шомда балқиб ботар.
Сиздан бўса сўрамадик, бир табассум,
Биздек ғариб табассумни болдек тотар.

ДИЛ БИЛАН

Оҳ уриб, оҳидан тош,
Отганларни кўрдим мен.
Оҳ чекиб, оҳида бол,
Тотганларни кўрдим мен.

Юрагин ёлқинига
Гул экканни кўрдим мен.
Тилин кесиб, дилига
Дил экканни кўрдим мен.

Кўнгил нечун кўрмайди,
Сочларимда қорим кўп.
Кўнглимнинг кўчасида,
Ортмоқлаган орим кўп.

Севиб султон бўлганлар,
Севилмаса гадодир.
Гадонинг меҳрибони,
Меҳри уммон Худодир.

Худони хушлаганни,
Хумоси бошидадир.
Яратган чорлаб берса,
Қаламқош қошидадир.

Тиловат тил мулкидир,
Дил билан етмоқ яхши.
Худонинг даргоҳига,
Дил билан кетмоқ яхши.

БИЛИШ

Тилакдан тўкилган сўз ижобати,
Яхши – ёмонликнинг бир каффорати.
Агарки ниятинг нурдан йироқдир,
Ўзингга тиғ бўлгай лутфинг офати.

Шоир шеърда кўрар сўз жамолини,
Оқил дилда англар сўз камолини.
Одамзот осмондек офтоблангайдир,
Жавобсиз кўрмаса ўз саволини.

Билмайин қилгандан лутфу надомат,
Билмаслигин билиш бу ҳам адолат.
Билишин билганлар – тафаккур аҳли,
Уларнинг борлиги элга саодат.

ХАТО

Тун — бизнинг умримиз хотиржамлиги,
Тонг — бу хуш ниятинг дилда жамлиги.
Қувончми ё қайғу – тақдир туҳфаси,
Дунё – бирда зиёд, бирда камлиги.

Оқиллик бандага билим атоси,
Жоҳиллик бандага зулм атоси.
Унутманг, Тангрини ташвишга солган,
Билиб туриб қилган қулин хатоси.

ЧИРОҚ

Одамзотдан бир сўроқдир яхшилик,
Муҳтож учун бир фироқдир яхшилик.
Дилдан дилга, тилдан тилга ўтганда,
Эллараро бир яроқдир яхшилик.

Дариганнинг кўксини тоғ қилғуси,
Бир ғарибнинг вақтини чоғ қилғуси.
Бандасидан қайтмаса – Худойим бор –
Қиёматда бошга чироқ қилгуси.

ДУНЁ

Шон билан шон тиклашади,
Нафс билан нафс суқлашади,
Ғафлат аҳли ухлашади,
Билсанг, дунё бедорники.

Онг билан тонг юзлашади,
Қуёшини излашади,
Ибодатга тизлашади,
Ибодат — бу бедорники.

Қаҳр — доим қилич билан,
Меҳр доим илинж билан,
Инсон яшар ўтинч билан,
Дунё — меҳри бедорники.

Ким болам деб, кетмон тутган,
Ким илм деб, жон унутган,
Ният қилган албат етган,
Дунё — дили бедорники.

Доим олмас, сўраб турган,
Бетоқатлар нураб турган,
Дунё биздан кўп оҳ урган,
Дунё — ақли бедорники.

Дунё бизга борин берди,
Гулин берди, қорин берди,
Ўзи чеккан зорин берди,
Дунё — оҳи бедорники.

БЎРИНИНГ ТУҒИЛИШИ

Қуёш кулиб турибди,
Ёмғир эса томчилар.
Наҳот қуёш нурини,
Ожиз ёмғир қамчилар.

Қуёш кулиб турибди,
Юзимга томар томчи.
Гўё қалбни тоблашга,
Ҳақдан қувончли қамчи.

Қуёш кулиб турибди,
Ёмғир ювар юзимни.
Нур қалам, ёмғир сиёҳ,
Шеърга солдим сўзимни.

Қуёш кулиб турибди,
Бир сўзга хаёл оғар.
Нурга эш ёмғир ёғса,
Адирда бўри туғар.

ТУРМУШ ТАШВИШИ
(Ярим ҳазил)

Уйғоқ дил самосин ботмас моҳи бор,
Бепарво йўлида ғафлат чоҳи бор,
Тингласанг, ҳар дилнинг қанча оҳи бор,
Аслида бу олам аҳлининг бари,
Турмуш ташвишидан эмасдир нари.

Хотин ҳукм қилар, чораси оғир,
Боланг боқиб турар, эзилар бағир,
Билмаслар отасин чўнтаги сағир,
Дейдилар, отамиз оила сарвари,
Не қилсин, гар дунё сарвардан нари.

Умр уммонида кемасиз сузмоқ,
Ожиз балиқ учун китлардан ўзмоқ,
Йўқни йўндирмоқлик бу ичдан тўзмоқ,
Ҳар кимдан топилмас сабр гавҳари,
Турмуш ташвишидан, айтинг, ким нари?

Камбағал сўзини кам ишлатганмиз,
Чироқсиз қолганда шам ишлатганмиз,
Юз ювгани кўздан нам ишлатганмиз,
Аждодлар ҳам асли биздан илгари,
Турмуш ташвишидан бўлмаган нари.

Бу шеърни шикоят учун ёзмадим,
Ўтмишдан ҳикоят учун ёзмадим,
Кўнглим буюргани бўлди шу назм,
Навоийдан бошқа шоирлар бари,
Турмуш ташвишида юрган сарсари.

ТУЙҒУ

Туйғу асло тошларда бўлмас,
Ёлғон йиғи, ёшларда бўлмас.
У қалбларнинг кўзидаги гул,
Дарёдилнинг меҳрида сўлмас.

Туйғу – софлик самоси эрур,
Туйғу – поклик сабоси эрур.
Иймонлининг кўнглидаги нур,
Гўзалликнинг жилоси эрур.

Шоир туйғу тушовидадир,
Шоир туйғу қуршовидадир.
Атиргулдек юз очган шеърлар,
Туйғуларнинг ушовидадир.

Пок туйғулар Ҳақнинг инъоми,
Шу туйғуга тўлсин дил жоми.
Туйғусини поклаб юрганга,
Шоирларнинг бўлсин саломи.

ВОҚЕИЙ ҲИКОЯ

Сахий амаки

Қаҳратонни забт этиб, баҳор қувончини яширолмай гул-гул очилиб келган кунларнинг бирида Сахий амакининг эшик қўнғироғи устма-уст жиринглади. Айвонда телевизор кўриб ўтирган отахон ўрнидан эриниб қўзғалди. Бу орада қўнғироқ яна қайта-қайта чалинди.

– Ҳозир, ҳозир, – деди Сахий амаки елкасига чопонини ташлаб. У эшикни очганда соқоли қиртишланган, ёши қирқ бешлар чамаси, оқ-сариқдан келган, яқинда маҳаллага раис бўлган Ахат Қўчқорович қошларини чимирганча, хушрўйгина бир жувон билан турарди.

– Ёзинг, – деди у ёнидаги аёлга. – Сахий амаки билан эрталабдан учрашиб, аҳволни яна бир бор унга тушунтирдик. Сахий амаки ҳайрон бўлди. На салом, на алик бор. Бундан Сахий амакининг жаҳли чиқди-ю, индамади. Ўзини босди. "Ёшлар-да, иши кўп буларни", – дея хаёлидан ўтказди.

– Хўш, амаки биз айтган ишни нима қилдингиз? – деди кутилмаган меҳмон тўсатдан.

– Қайси ишни? – Ҳайрон бўлди Сахий амаки.

– Ғайрат Облоқулович айтган ишни айтяпман. У киши туманда жуда катта ободонлаштириш ишларига бош бўлмоқдалар.

– Боғни бузиш ободончиликка киришини билмабман, – деди Сахий амаки норози оҳангда. Бу гапдан раиснинг жаҳли чиқди.

– Кўрдингизми? – Раис ёнидаги аёлга кулиб заҳарханда қилди. – Ўзларини билмаганга олишади-я булар. Ўзбошимчалик билан ўзлаштириб олиб боғ яратган ерингизни айтаяпман, ёдингиздан чиқдими? Ўзингиз бузасизми, ё ...

Раис "боғ яратган" деган сўзни шундай киноя билан айтдики, Сахий амаки жаҳлини тийиб туролмади.

– Э... бола, – деди у. – Қўлингдан келганини қил. Боғимни бузмайман.

– Эшитдингиз-а, – деди у виқор билан. – Шунинг учун сизни олиб келдим. Бунақаларга тўғри гап ёқмайди. Давлатнинг ерини хоҳлаганча ўзлаштириб, ўзларича эгаллаб олишаверади. Бу ҳам етмагандай қўшнисининг ерини ҳам қўшиб олиб, темир-терсак билан ўраб олишади...

Сахий амаки бу гапдан титраб кетди.

– Ука, – деди ўзини босолмай. – Биз кўчиб келганда бу уйларнинг орқа томонидаги ерлар қаровсиз ётарди. Мен ўзимга тегишли жойни боғ қилдим. Ана, қарамаган ерларимиз бўш ётибди. Одамлар ахлатини ўша ерга тўкишяпти. Нега сен уларга чора кўрмайсан? Нега биз обод қилган жой кўзингга кўканак, орқангга тиканак бўлиб ботяпти, тушунмайман.

Сахий амакидан бундай гапларни кутмаган раиснинг ранги оқарди.

– Сиз, сиз, – деди ғудраниб, – панжараларингизни олиб ташланг. Боғингиз билан ишим йўқ. Биздаги буйруқ шу, ё сиз давлат сиёсатига қаршимисиз?!

– Менимча, сен ўзинг давлатга қаршисан! Сиёсатни биз ҳам яхши тушунамиз, – деди Сахий амаки бўш келмай.

– Э... Сизларга яхши гапирган мен аҳмоқ! Кўрдингизми бу чолни. – У оғзига келганини қайтармай ёнидаги жувонга гап уқтира кетди.

– Кимлигингни тан олганинга раҳмат!

Бу гапдан сўнг Ахат Қўчқорович ўзини тутиб туролмади-да:

– Эртага бўладиган мажлисда кўрасиз кимлигимни. – У шундай дея эшикни қарсиллатиб ёпди...

Эртаси куни мажлисда бўлди машмаша, бўлди тўполон. Тумандан келган раҳбарлар "маҳаллаком"нинг ёнини олиб, Сахий амакини роса сиқувга олишди. Ҳаттоки ўшалардан биттаси бу ҳолни "феодализм иллати", деди. Сахий амаки ҳам бўш келмади, албатта. Боғдаги панжарани бузмаслигини, бузса ёш ниҳоллар пайҳон бўлиб кетишини айтиб, ўз сўзида туриб олди. Энг асосийси, Сахий амакини қўшни чоллар қўллаб-қувватлашди. Хуллас, бу масала яна очиқ қолди. Мажлис тугагач маҳалла раиси келгуси ҳафта бу масала узил-кесил ҳал бўлишини, буни шундай қолдирмаслигини айтиб виқор билан чиқиб кетди.

Келгуси ҳафта мажлис яна мажлис бўлди. Аммо бу сафар келган раҳбар одамлар билан жуда бошқача гаплашди. У халқнинг дарди билан яшаш кераклигини, одамларнинг арзига қулоқ солиб, тўғри қарорлар чиқариш зарурлигини айтганда бу ерга йиғилганлар беихтиёр қарсак чалиб юборди.

Мажлис ниҳоялаб бораётганда Сахий амаки қўл кўтарди.

– Менинг ҳам бир арзим бор эди, – деди у оҳиста ўрнидан туриб.

Бу дадиллик Ахат Қўчқоровичга ёқмади.

– Сизнинг масалангиз кўриб чиқилган, – деди у ўтирган жойида шоша-пиша.

– Ҳал бўлмаган, – деди Сахий амаки қатъийлик билан.

Юқоридан келган раҳбар бир раисга, бир отахонга қаради-да:

– Қандай масала экан у, – деди қизиқиб.

– Сиздан бир илтимосим бор. Вақтингизни унча кўп олмайман. Мажлис тугагандан сўнг ҳал этсак.

– Бояги масала нима эди? – деди у амакини аста қўлтиқлаб.

– Озгина жойда боғ қилувдим, шуни кўриб кетсангиз дегандим.

– Боя айтдик-ку, ҳадеб битта гапни чайнайверасизми, – деди раҳбар ёнида турган туман вакили авзойи бузилиб.

Раҳбар унга қовоғи остидан қараган эди, жимиб қолди.

– Қани, отахон, йўл бошланг. Яратган боғингизни бир кўрайлик, – деди раҳбар кулиб. – Ўн чоғли одам уларга эргашди. Ташқарида яна беш-олтита қариялар уларга қўшилди. Ҳаммалари кўп қаватли уйнинг орқа томонига ўтишди.

– Мана, шу боғни айтмоқчийдим, – деди Сахий амаки чиройли панжара билан ўраб қўйилган дарахтзорни кўрсатиб. Боғ тахминан 10 сотих ерни эгаллаган эди. Боғ ўртасида икки туп бодом қийғос гуллаган, ёнида хурмо, гилос, олма дарахтларига "қубба" ва "стакан" шакли берилганди. Раҳбар буни кўриб қувонди-ю Катта Ҳалқа йўлига туташ бўш ётган ерларга қаради-да, бошини чайқаб қўйди.

– Нега қолган жойлар бўш ётибди? Нега қаралмаган? – деди у маҳалла раиси ва туман раҳбарига жиддий оҳангда. Орага сукунат чўкди.

– Мен қўшниларим билан бу ерни обод қилдим, кўриб турганингиздек панжара билан ўрадим. Дарахтлар ҳали ёш. Заха емай кўкарсин, деб шундай қилдим. Мана, кароват ўрнатдик. Чоллар ҳар-ҳар замонда чиқиб, гурунглашиб кўнгил ёзамиз.

– Бу "Субҳони"ми дейман, – деди раҳбар баланд ўсган ўрикка қараб.

– Ҳа. Топдингиз. Тепасида туршак бўлиб қолади.

– Анжирлар ҳам бор экан-да.

– Тўрт хил.

– Дарахтларга ким бундай шакл берди?

– Ўзим.

– Сувни ким чиқариб берди? – деди раҳбар сув қувурига ишора қилиб.

– Ўғлим ва қўшни болалар. Экинларни шундан суғорамиз. Раҳбар кароват ёнидаги ариқларга экилган атир гулларни кўриб хурсанд бўлди. У боққа яна бир карра кўз югуртирдида, – Нима шикоятингиз бор отахон? – деб сўради.

Сахий амаки раис ва туман раҳбарларига бир қараб олди-да, сўзини давом этди:

– Булар, "панжарани бузиб ташла, боғингни йиғиштир, тепадан шундай буйруқ бор", деб ҳолу жонимга қўйишмаяпти. Ҳув анави маҳалладан болалар мол ҳайдаб ўтади. Дарахтлар увол бўлмасин дейман-да. Устига-устак, қўшни чолларнинг дам олиш жойимиз. Кўзим қиймайди. Шунга... Бўш ётган жойларни эгалари йўқ. У ерни ҳам обод қилса бўлади-ку.

– Нега унда боғ қилмаяпсизлар?

– Шунисига шунча машмаша. У ёғини ҳам боққа айлантирсак...

Каттакон ёнидаги ходимларга қаради. Иккаласининг юзи қизариб кетганди.

– Отахон, – деди раҳбар. – Шу жойларни ҳам боғ қилинг деса, ҳаракат қилармидингиз.

– Албатта, – деди Сахий амаки ёш болалардек қувониб.

– Юртни обод қилиш мана шундай кичик ерлардан бошланади. Сиздек серғайрат отахонлар бор экан боғлар кўпаяди. Боғ яратиш савоб-ку. Шунинг учун сиз боғ ишларини бошлайверинг. Кўчат етқазиб бериш биздан. – Сизлар бу ишга масъулсиз, – деди раис билан туман вакилига. – Агар, – дея гапини давом эттирди у. – Кимдаким сизга яна қаршилик қилса, тўғри менга чиқасиз. Қани эди ҳамма сизга ўхшаб боғ яратса... Аммо афсуски, ҳозирча сиздақалар кам. Зар қадрини заргар билади, отахон. Қўрқманг, биз сиз томондамиз...

Тагдор қилиб айтилган бу гаплардан ёнидаги раҳбарлар бўшашиб, бир-бирларига бўзрайиб қарашди. Сахий амаки хурсанд эди.

– Халқ дардини эшитадиган раҳбарларнинг борига шукур. Қанийди шунақалар кўп бўлса. Отасига раҳмат, – дея ўйлади у раҳбарни кузатаётиб.

– Мен нима девдим, дўстим, – деди Юнус пичоқчи дўстининг қўлларини сиқиб. Кўрдингми... Сахий амаки хурсандчилигидан кўзларида ёш милтиради. Сабаби боғдаги ниҳоллар омон қоладиган бўлди.

Орадан уч кун ўтиб, Сахий амакининг эшик қўнғироғи чалинди. У эшикни очганда бир йигит кулимсираб турарди.

– Ассалому алайкум. Мана бу кўчатларни юқоридан сизга бериб юборишди...

– Ким? – Ҳайрон бўлди чол.

– Ўша куни келган раҳбар. Яна айтдики, бўшашмас экансиз. Қандай ёрдам керак бўлса, айтаркансиз.

* * *

Орадан ойлар ўтди. Сахий амаки пишиқчилик бошланиши билан ҳар доимгидек мева тўла челагини кўтариб набираси билан йўлга тушди. Мақсади турли хил мевали кўчат юборган раҳбар билан дилдан суҳбатлашиш, янада каттароқ боғ яратиш орзуси борлигини айтиш эди. Сахий амаки шу йўл билан катта кўчага чиқди-ю тўхтади. Раҳбар уни қабул қиларми-кин? Ахир иши кўп бўлса. У бирзум тўхтаб турди-да, юрт учун боғ яратиш ҳам катта иш эканлигини ўйлаб набирасини етаклаганча шаҳдам одимлар билан йўлида давом этди...

Муаллиф ҳақида:

Баҳром АКБАРОВ — 1961 йилда Тошкент вилоятида туғилган. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси (1992), "Шуҳрат" медали соҳиби (2009).

Болаларга аталган 20 га яқин шеърий ва насрий тўпламлар муаллифи. "Кичкинтойлар китоби", "Ғалати синов", "Ҳуснихатим чиройли", "Ўткир зеҳнлилар китоби 1-4" (ҳаммуаллифликда) номли китоблари бир неча марта нашр этилган. "Митти ботир" асари немис тилида (2018) чоп этилган.

Баҳром АКБАРОВ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ АРТИСТИ ТАМАРАХОНИМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 115 ЙИЛЛИГИ

“Шарқ қалдирғочи”нинг ПАРВОЗИ

Одатда ноёб истеъдод соҳиблари, санъат дарғалари ҳақида сўз айтиш анчайин мушкул. Бунинг шарафли эканидан ташқари, масъулияти кўпроқ. Масъулиятни ҳис қилган ҳолда, ўзбек санъатининг довруғли намояндаси Тамарахоним ижодига бир қур назар ташлашга жазм қилдик.

Тамарахонимнинг асл исми-шарифи Тамара Артёмовна Петросян бўлиб, унинг болалиги шўх ва қувноқ кечмаган. Анна ва Артём Петросянларнинг оиласида таваллуд топган арман қизи 1906 йилда Марғилонга оиласи билан сургун қилинган эди.

Ўша даврларда мамлакат бўйлаб сайёр труппалар томоша кўрсатарди. Ёш Тамара ҳам бу томошалардан четда қолмади, уни дорбозлар, кўзбойлағичлар, раққосалар қизиқтириб қўйди. У томошада кўрганларини уйда такрорлар эди.

Бир гал 6 ёшга тўлган қизалоқ оила даврасида рақса тушиб, барчани ҳайратга солди. Санъатшунос олимларнинг ёзишича, шунда унинг онаси: “Мана, кўрасиз, у ҳали Парижда рақса тушади!” — деган экан. Ёш Тамарадаги рақс санъатига бўлган меҳр ва қизиқишни пайқаган ота-онаси уни қўллаб-қувватлаб туради.

Кунларнинг бирида Марғилонга Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий бошчилигидаги “Восток” (“Шарқ”) ташвиқот поезди келиб тўхтайди. Ўша даврда собиқ иттифоқ мустақиллик учун кечган курашлардан оддий одамларни турли усулларда чалғитишга ҳаракат қилган. Озодлик жангчиларига қўшилиб кетишидан қўрқишган. Тамара яшай бошлаган маҳалла оқсоқолларидан бири Ҳамза Ҳакимзодага: “Бизда ҳам иқтидорли қизалоқ бор”, дейди. Бу воқеа Тамаранинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади.

Шундай қилиб, 1918 йил Тамара илк бор саҳнага чиқади. Ўшанда унинг ёши 12 да бўлган. Давр зиёлийлари труппадаги ягона аёл иштирокчини юзи очиқ ҳолда саҳнада кўришади. Шундан сўнг, Тамарага нистабан таҳдидлар кучаяди. Шу тариқа, уни ота-онаси Тошкентга жўнатишади. У 1922 йили Тошкент балет труппаси ўқувчисига айланади. Аброр Ҳидоятов, Етим Бобожонов, Али Ародобус Иброҳимов каби биринчи ўзбек артистлари раҳбарлик қилган концерт дастурларида ўзининг рақслари билан иштирок эта бошлайди.

Балет труппасининг ижоди кундан-кунга ривожланади, Марказий Осиё бўйлаб гастроль сафарларида концертлар беришади. Тамарахоним 1923 йили Москвага жўнайди ва А.В. Луначарский номидаги Театр техникумида ўқишни давом эттиради. Москвада уни “Шарқ қалдирғочи”, деб чақира бошлашади.

Концерт томошаларидан сўнг мухлислари уни ўраб олишар, ўзларининг завқ ва ҳайратларини яширолмас эди.

Кунларнинг бирида Тамаранинг гримм хонасига таниқли қўшиқчи Муҳиддин Қори Ёқубов кириб келиб, уни мақтовларга кўмиб ташлайди. Сўнгра раҳбарият ёнида турган йигитни таништириб: “Энди концертда сиз бу киши билан бирга иштирок этасиз”, дейишган экан. Аввалига Тамара “бирга” деганда Муҳиддин Қори Ёқубов билан келгусида ўз тақдирини боғлашини тушунмаган. Лекин тақдир уларни бирлаштиради.

Ёш келин-куёв илк бор чет эл сафарига, яъни Францияга боришади. 1925 йили Парижда Халқаро декоратив санъат кўргазмасида Муҳиддин Қори Ёқубов ва Тамарахоним Ўзбекистон номидан иштирок этишади. Уларнинг бу чиқиши парижликларни ҳайратга солади. Ўша пайтда Тамарахоним эндигина 19 ёшни қаршилаган эди. Албатта, Париждаги муваффақият унинг санъатдаги ижод йўлини шарафларга буркади. У дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлиб, ўзбек санъати довруғини оламга ёйди.

Кунларнинг бирида Москвага уюштирилган катта сафар олдидан концерт ташкилотчиларидан бири маҳаллий аҳолининг Тамарага “хоним” дея юзланишаётганини эшитиб қолади. Эртасигаёқ “Тамарахоним” афишаси бутун шаҳар бўйлаб осилади. Шу кундан бошлаб, санъат аҳли ҳам, мухлислару ҳамма-ҳамма уни Тамарахоним деб аташадиган бўлишади.

Айтишларича, хорижликлар бу ажойиб аёлнинг қайси миллатга мансублигини тушуна олишмаган. Келиб чиқиши арман, ўзи эса ўзбек маҳаллада ўсиб улғайганди. У қайси хорижий давлатга бормасин, ўша халқнинг рақсини ўрганишга ҳаракат қиларди. Шу тариқа, унинг бисотида 86 давлатнинг миллий рақслари жамланади.

Маълумки, 1930 йили таниқли санъаткор ўз кучини балетмейстер сифатида ҳам синаб кўради. 1932 йили эса режиссёр З.Қобулова, бастакор П.Раҳимов билан ҳамкорликда Урганч театрига асос солади. У ерда балетмейстер, раққоса ва педагог-тайёрловчи вазифасида ишлайди.

Тамарахонимнинг 1935 йили Лондонда бўлиб ўтган Халқаро фестивалда Уста Олим Комилов билан бирга иштирок этгани ва Британия қироличасининг алоҳида эҳтиромини қозонгани ҳамда қиролича қўлидан махсус мукофот олганини бугун эҳтимол кўпчилик билмас.

Бастакор Исоқ Дунаевский: “Сиз мени қуёшли Ўзбекистонга таклиф этдингиз, раҳмат! Аммо энди мен учун Сиз ва Сизнинг ажойиб санъатингиз ёйилган ҳамма ер қуёшли бўлади”, дейди.

Матлуба ТЕМУР қизи.

Санъатимиз АФСОНАСИ

Тамарахонимнинг пойтахтимиз марказидаги хонадонида кўп қатори меҳмон, томошабин, тингловчи, мусоҳаба иштирокчиси сифатида бўлиб турардим. Пешвоз чиқиб кутиб олар, уйининг тўридан жой кўрсатар, доимий ҳамроҳлари – шогирдларини олдимга ўтказиб қўйиб, ўзлари чой дамлашга уринар эдилар. Чиройли идишга ҳинд, цейлон, хитой ва чойнинг бошқа навларидан бир сиқим-бир сиқим аралаштириб, устини ёпиб сақлар эди. Чой дамлаш усулини ўзи ихтиро қилган эди. Аммо ошхонага бизни яқинлаштирмас, шундай чой дамлар эдики, ичиб, ҳидлаб ором олардинг. Чойдан кейин катта хоналарига тартиб билан осиб қўйилган либосларини кўрсатиб, уларнинг тарихини айтиб, ўзлари ҳам завқ олардилар. Биз ҳам ҳар гал ҳайратомуз ҳолатимизни бекитмай, таассуротимизни айтар, раққоса – хонанда дунё бўйлаб қилган ижодий сафарларини тилга олар эди. Бу соатларда ҳашаматли кўйлак кийилиб ҳар бир айтиладиган қўшиқдан бир лавҳа келтириларди. Шукур Бурхонов айтганидек, шунда бу санъаткорнинг “безразмерный таланти” намоён бўларди. Тамарахоним ҳақида ўтган йиллар давомида бир қанча рисолалар битилганидан мамнунмиз. Аммо, негадир у каби бетакрор санъаткорлар кинога (бадиий кино, телесериалларга) олинмаяпти.

Рус бадиий телевидениеси Григорий Александров, Любовь Орлова, Людмила Гурченконинг ҳаёти, фаолиятига сериалларни бағишлаганларида бизда қанчадан қанча ҳофизлар, созандалар (улар айни бир вақтда аския усталари сифатида олқишларга сазовор бўлганлар), актёрлар, мусаввирлар, бастакорларнинг воқеаларга, ихтироларга бойлиги ҳақида ўйлайман. Айтайлик, Мутаваккил Бурхоновда, унинг характерида улуғворлик мавжуд эди... Юртимизда эрта тонгда янграйдиган Мадҳияда ана шу улуғворлик мавжуд. Сулаймон Юдаков характерида Хўжа Насриддинга хос қувноқлик, ҳазил-мутойибага мойиллик бор эди!

Тамарахонимнинг катта Фарғона канали қурилишида меҳнат аҳлига қилган хизматининг ўзи икки-уч серияда қизиқарли, пурмаъноли бадиий ифодасини топиши мумкин. Хорижга қилинган сафарлар, ранг-баранг, қимматбаҳо либослар тарихи... Буларнинг бари бўлажак сериалнинг айрим бобларини ташкил этишини ният қиламиз. Қуйида эса муштарийларимизга шундай – бўлиб ўтган воқеа, учрашувлардан бирини илк бор етказиш имконига эга бўлаётганимдан хурсанд бўляпман.

Муҳиддин Қориёқубов, Уста Олим Комилов каби забардаст санъаткорларнинг тарбиясини олган бу ноёб истеъдод соҳибаси ўзи ижро этадиган рақси, қўшиғи томошабинга, тингловчига етиб бориши, ҳаяжонга солиши, завқ бериши йўлларини излар, топа билар ҳамда бу жараёндан ўзи ҳам чексиз завқ олар, қувонар эди. Ижро дамларида атрофдагиларнинг муносабатини ҳамиша сезиб турарди. Бу ҳақда фикр юритар, изланиш жараёнига таъриф беришга ҳам интилар эди. Бир гал узоқ давом этган суҳбатдан кейин Ўзбекистон Миллий университетига (у кезлари Тошкент давлат университети дейиларди) таклиф этган эдим. Уйларига борганимда баъзан бироз хаста кўринган, ҳатто ётган жойларидан меҳмонхонага чиқиши енгил бўлмаган кунлар эди. Таклиф киритганимдан бироз истиҳола қилиб турган эдим. Тамарахоним ўринларидан туриб, хонанинг у бошидан бу бошига шаҳдам қадам ташлаш ҳаракатида бўлдилар-да:

– Бораман университетга. Талабалар бўлади-ку! Қани янги авлод қандай қабул қиларкин бизни! Шогирдим билан бораман, — деди.

— Ўзингиз кутиб оларсиз. Ёзиб қолдиринг қаерга боришимизни. Аудитория бўладими? – деб сўрадилар.

– Нега аудитория?! Катта маданият саройимиз бор.

Бордилар. Гулдасталар билан кутиб олдик. Ҳар галгидек самимият билан сўзладилар. Эски қадрдонлар учрашгандек, савол-жавоблар, кулги, ҳазил-мутойибалар ҳам бўлди. Санъатларини намойиш этганларида барча ўрнидан туриб олқишлади, миннатдорлик сўзлари янгради.

– Энди шогирдимни рақсини кўринг. Ашуласини сиз билан айтаман, – деб Хоразмнинг шўх қўшиғини бошлаб юбордилар. Ёш раққоса – у ҳам ёрқин қизил либос, хоразмча бош кийимда эди...

Учрашув тантанага айланиб кетди. Дастхат олувчилар, ёш раққосага ҳавас қилувчиларнинг гурунги узоқ давом этди.

Кейинчалик Москвага бориб, оламга танилган архив (ЦГАЛИ – центральный государственный архив литературы и исскуств)да дунёга машҳур олим ва санъаткор С.Эйзенштейн фондини ўрганаётганимда қизиқарли воқеанинг тафсилотларидан воқиф бўлдим. Воқеа қаҳрамони Тамарахоним бўлган экан. Сергей Эйзенштейн Катта Фарғона канали қурилишига ретроспектив ёндашиб триптих (бир-бирига уланадиган уч бадиий новелла) шаклида кинопортрет яратишга жазм қилиб, фикрдош ҳамкасблари билан Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларини кезган, айниқса Фарғонада – қурилишда бўлган. Бу сценарий ва фильмнинг яратилиши, суратга олиш тарихини келтирадиган бўлсак, мақоламиз мавзусидан четга чиқиб кетамиз, шунинг учун воқеанинг Тамарахоним билан боғлиқ бир қисмини келтирайлик. Қўлёзмада бундай дейилган: кун жуда иссиқ эди. Шаҳар бўйлаб юриб машҳур Тамарахонимнинг уйига яқинлашдик. Ҳовлидаги дарахтлар қалин соя ташлаган, майин шабада эсиб турарди. Соя-салқиндан баҳра олдик. Хонага кирдик. Тамарахоним қизи Лола билан кутиб олишди. Ўтган гал шу каттагина хонада раққоса, хонанда бўлмиш мезбон ўз санъати билан бизга завқ берган эди. Бу гал ўзфикри келди. Бу бир қултум сувга зор Тўхтасиннинг севикли қизи бўлади. Оилани “ташналик ўтидан” қутқариш учун ўша ушоқ қизини сув омборига қулф солган зодагонга беради. Фожиа рўй беради. Бечора Тўхтасиннинг томорқасига бир дамгина шилдираб сув келади... Бундан кейин бу персонаж ўзини ўзи бадарға этади. Бош олиб кетади бу чанқоқ ердан. “Фарғона канали” сценарийсига киритилган янги эпизодлар бу. Сценарийнинг ўша янги тўлдирилган нусхасини топдик. Ўргандик. С.Эйзенштейн билан ҳамкорликда ишлаган адиб П.Павленко иштирокида янги лавҳалар адабиёт ва кино қонуниятларига риоя қилиб ёзилган фильмнинг пойдевори бўлмиш сценарийга киритган.

Тамара опа қизиқиш билан тингладилар воқеани. Хабарлари йўқ экан Эйзенштейннинг ташрифидан гача бўлди. Даврага унинг қизалоғи тушди. Онасининг ашуласи ритми, оҳангидан келиб чиқиб шундай нафис ҳаракатлар қилдики, ҳайрон қолдик! Бу жажжи қизалоқ қачон ўрганган бу нозик ҳаракатларни. Ритмни ҳис этиб туриши-чи! Кўриб, тинглаб ором олдик. Чапак чалдик. Бугина эмас. Ижродан таъсирланиб ёзиб бўлинган, тасдиқдан ўтган киносценарийга янги эпизод киритишкейин сценарий тўлдирилганидан.

Сўраб қолдилар:

– Сергей Михайловичнинг ёнларидаги ҳамроҳлари ким экан. Улар ҳам қизиқиб қолган эдилар ўзбек рақсига.

– Бу ҳақда Сергей Михайлович маълумот қолдирмаган. Ҳужжатларни, жумладан, 1939 йили чоп этилган газеталар материалларини ўрганиб, айрим маълумотларни топгандек бўлдим. Аввало, Эйзенштейн Ўзбекистонга машҳур оператор Эдуард Тиссэ, ёзувчи Пётр Павленко билан келган. Сценарий режаси, триптих шакли шу ерда кашф этилган. Бу икки санъаткор ҳам дунёга танилган эди ўша пайтлари. Бари С.Эйзенштейннинг фильмларини суратга олиб шуҳрат қозонган. Иккинчисини Сергей Эйзенштейн ёзувчи Александр Фадеевнинг тавсияси билан ижодий гуруҳларига таклиф этган. Жаҳон киноси дурдонаси – “Александр Невский” бадиий фильмини яратишда у муаллиф сифатида иштирок этган. Тиссэ ва Павленко режиссёр Эйзенштейн билан бирга Фарғона канали қурилишида бўлиб ҳайратга тушган. Фотосуратларни ЦГАЛИда топдик. (Улардан бири “Hurriyat” саҳифасида, умуман, ўзбек матбуотида илк бор эълон қилинмоқда). Бу жараённи ўрганиш давом этиши зарур кўринади. Бор тафсилотни С.Эйзенштейн Тамарахонимга айтиб берган бўлса керак. Бу режиссёр раҳбарлик қилган гуруҳ Ўзбекистоннинг вилоятларидан бирида мато, бўз тайёрлайдиган мослама – станокнинг XV асрдаги бир “нусхасини” топган ва унда “Фарғона канали” кинотриптихининг дастлабки бобида фойдаланишни режалаштирган. Яъни, беш аср муқаддам ясалган станок ёрдамида тўқилган бўздан персонажлар либосини тиктиришни режалаштирган... Тамара опамиз бу ҳақда “ғира-шира” тасаввурга эга эканлигини сездим. 80 йил нарисидаги манбалардан аниқлаб, С.Эйзенштейн “тасдиғи” билан баён этдим.

Суҳбатдошинг доно бўлса, унинг самимий сўзларида, замир фикрларида муайян муҳит, сиймолар намоён бўлар экан. Тамара опа шундайлардан эди. У хизмат қилиб келган санъат самимиятни, ҳиссиёт, эҳтиросниг бадиий ифодасини талаб этиб келган. Хоним чеҳрасида ақл томиб тургандек бўларди... Таваллудининг 115 йиллиги нишонланаётган жорий йилда шўх, қувноқ, ўзбекча гапга чечан Тамарахонимнинг бир гапларини эслатай:

– Менга бир нарса бўлса, пушкадан, тўплардан ўқ узинглар. Мен фронтнинг энг олдида – ўққа тутиладиган позициясида бўлганман... Капитанман ахир!...

Аслида ҳарбий унвони капитан бўлган Тамарахоним хореография, вокал санъатининг генерали эди десак хато бўлмайди!

Ҳамидулла АКБАРОВ.

Архив суратлардан фойдаланилди.

БОҚИЙ САТРЛАР

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

МЕН БИРГИНА СЎЗ ЎСТИРДИМ

Билмам, қачон, қандай чуқур кўлларда чўкдим,
Қандай узун, қандай ҳазин дардларни чекдим,
Билганим шу, умрим бўйи мен экдим, экдим —
Туркистоннинг даштларини ёриб чиқар сўз!

Балки у сўз унаётир ернинг қаърида,
Балки... қасамдай тик терак куртакларида,
Улуғ Темур болаларин кўкракларида
Ота Туркнинг юкини кўтариб чиқар сўз!

Ёв келмасин, келса агар жуфту тоқ бўлиб,
Сўзлар ердан чиқиб келгай тўсин тоғ бўлиб,
Элимнинг жон -жигарига кўзмунчоқ бўлиб,
Дигарига чалғи бўлиб, ўриб чиқар сўз!

Ҳурлик йўли — кураш йўли, тик роҳларига
Чиқар экан гард тегмасин элнинг барига.
Кураш куйин қуйиб элнинг қулоқларига,
Тун бўйи оёқ учида юриб чиқар сўз!

Оққан бўлсам ҳамки унинг пойида тинмай,
Элга нафим кам менинг, деб нечун ўксинмай,
Мен биргина сўз ўстирдим, Мангу кўз юммай,
Туркий элни балолардан қўриб чиқар сўз!

МУТОЛАА

ҚАЛАМ УШЛАБ ЎТГАН ОДАМЛАР

Шукурки, мустақил мамлакат, озод юрт мафкураси ўтган азизларимиз хотираси эъзозланишига кенг йўл очиб берди. Жонажон Ўзбекистонимизда Хотира ва қадрлаш куни улуғ умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинади. Ҳар биримиз риҳлат қилиб кетган ўзимизга яқин кишиларимизни бу қутлуғ кун шарофатидан ҳам хотирлаймиз; айниқса, эл-юрт озодлиги, фаровонлиги учун қирғинбарот урушларга кириб, жонини Жабборга берганларнинг табаррук хотираси алоҳида эъзозланади, ибратлари қайта-қайта тилга олинади, руҳониятларига хатми Қуръонлар бағишланиб, руҳи шод этилади. Бу нақадар улуғ саодат, тириклар учун гўзал имконият яратиб берилганлик ибрати.

Ўтганларнинг азиз хотираси чинакам маънода эъзозланишининг ажиб намунасини мен яқинда “Муҳаррир” нашриёти томонидан нашр этилган “Армоннинг бунчалар ранги кўп” китобини мутолаа қилиб яна бир бор амин бўлдим. Бу нашрда элликка яқин ўтган асрда Республикамизнинг Навоий вилоятида туғилиб, ўзбек адабиёти ва журналистикасига муносиб ҳисса қўшган қалам аҳллари ҳақида ўқишли эссе ва публицистик мақолалар ўрин олган. Уларнинг ижодларидан ҳам ёрқин намуналари баҳоли қудрат тортиқ этилган. Бу инсонлар ўзимиз каби бутун умрларини газета- журналчилик, ноширчилик ишига бағишлаганлар. Қаламлари билан ҳам эзгулик йўлида камарбаста бўлганлар. Эҳтимол, бугунги ёш авлод ўз даврининг таниқли ва етук қалам соҳиблари бўлган Тошпўлат Ҳамид, Сулаймон Раҳмон, Найим Ғойибов, Қосим Ҳасанов, Маҳмуд Мардиев, Борис Шолотонин, Душан Файзий, Абдуваҳоб Пирматов, Неъмат Абдураҳмонов, Раҳмон Чинмирзаев, Жалолиддин Юсуфий, Умид Сатторов, Иноят Раҳмон, Азамат Сафаров кабиларнинг қай бирлари номини билмас, фаолиятларидан хабарсиздир, аммо менинг назаримда, ўтган асрдаги Зарафшон воҳаси – Бухорои Самарқанд, Навоий вилояти ижодий иқлими буларсиз кемтик бўлиб қолади. Китобнинг яна бир фазилати – бу эссе ва мақолалар бир қаламкаш қаламига мансуб эмас, балки қалам аҳлини ҳар бирини яқиндан билган ўттиздан ортиқ ҳамкасбларимиз томонидан битилган қалбномалардир. Инсон хотирасини қадрлаб тирикликни улуғ неъмат эканлигини ёдимизга солган “Армоннинг бунчалар ранги кўп” китоби-да, сизга гўзал ибрат улашади, деган умиддамиз.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ

ФИКР

Ҳақиқий матбуот ҳеч кимни юз хотириға қарамас.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Адади: 5002
Буюртма — Г-550

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

1 2 3 4 5 6

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 23²⁰

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.